*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*

O`zLiDeP

2013 йил 2 май, пайшанба, 17 (493)-сон

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган.
e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com.
web sayt: www.21asr.uz

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



Талабчанлик ва назорат — бош мезон

3 ИСЛОҲОТ



Изчиллик фаолиятимиз асоси бўлсин

5 ҲУДУДЛАРДА



Эгасиз қўл

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

**9 МАЙ** — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

## ХОТИРА АБАДИЙ, ҚАДР МУҚАДДАС



**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий музейида Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ва меҳнат фахрийлари билан 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.**

**Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 25 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига бир марталик пул мукофоти белгиланди.**

**Мамлакатимизда ушбу сана муносабати билан кенг кўламли тадбирлар ўтказилмоқда.**

**Фахрийлар билан бундай учрашувлар ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни такомиллаштириш, авлодлар ўртасидаги муносабат ва ворисийликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Фахрийлар шахсий ҳаёти ва ўтган оғир кунлардан мисоллар келтириб, ёшларга бугунги тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш ҳамда ҳимоя қилиш қанчалик муҳим эканини таъкидлайдилар.**

**– Тиббий маълумотга эга бўлганим боис фронтда фельдшерлик қилдим, – дейди Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси Олимжон Алимов. – Урушдан сўнг ҳам узоқ йиллар шифокор бўлиб ишладим.**

**Тадбир иштирокчилари давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барпо этилган “Ватанга қасамёд” ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.**

(ЎзА).

**ПАРТИЯ** ТУРМУШИ

## «АЁЛЛАР ҚАНОТИ» АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРГА ТАЯНАЯПТИ

**Навоий вилоятидаги 6789 нафар O`zLiDeP аъзосининг 39 фоизини хусусий секторда банд бўлган аёллар ташкил этмоқда**

— Бўлимимиз томонидан амалга оширилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари опа-сингилларимизнинг бунёдкорлик ва яратувчилик борасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш, улар ташаббусини қўллаб-қувватлашга қаратилган, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Шоҳида Шокирова. — Айниқса, «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага», «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» сингари партиявий лойиҳаларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётгани, туман, вилоят, республика босқичи ғолиблари жойларда муносиб рағбатлантирилаётгани хотин-қизларнинг тадбиркорликка бўлган қизиқишларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

3 ►►



Солих ЗОИР олган сурат

# Демократик янгиланишлар ва аграр қонунчилик

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ АГРАР ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН 2012 ЙИЛДА 3 ТА НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ ТАДБИРИ, 5 ТА ЭШИТУВ, 3 ТА КОНФЕРЕНЦИЯ, 12 ТА СЕМИНАР, 8 ТА ДАВРА СУҲБАТИ ҲАМДА 16 ТА АМАЛИЙ МУЛОҚОТ ТАШКИЛ ЭТИЛИБ, УЛАРДА АСОСИЙ ЭЪТИБОР СОҲАГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА ҚАРАТИЛДИ

Куни кеча қўмитанинг республикамизнинг барча ҳудудлари билан он-лайн тарзида ўтказган матбуот анжуманида эса ўтган йилги натижалар яна бир бор сарҳисоб қилинди.

Парламент қуйи палатасининг энг йирик қўмиталаридан бири бўлган Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг журналистлар ва соҳа мутасаддилари билан бундай жонли мулоқоти биринчи марта ташкил этилаётгани йўқ. Агар ўтган йилги мулоқотда 4 та вилоят қамраб олинган бўлса, бу гал барча ҳудудлардаги журналистлар ва соҳа вакиллари билан уч соат давомида соҳага оид қонунлар ижроси, янги қонун лойиҳаларини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

2 ►►

КОНЦЕПЦИЯ

# Ҳуқуқий эксперимент

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИНГ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асосида ишлаб чиқилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси фуқароларнинг ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари, шунингдек, жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳамда улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар тўғрисида хабардор этиш тартиб-таомилларини ўзида мужассам этгани билан ҳам ниҳоятда муҳим ҳужжат саналмоқда.

Шу маънода ҳам давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 20 мартдаги «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш тўғрисида»ги фармойиши мамлакатимиз қонун ижодкорлиги жараёнини демократик андозалар билан янада бойитадиган ҳуқуқий ҳужжат эканини халқаро экспертлар ҳам эътироф этмоқдалар. Бундай янгилик жамиятимиз ҳаётида илк бор жорий этилаётган бўлса-да, у дунёнинг демократик давлатларида кенг қўлланилиб, амалиётда ижобий самара бермоқда. Чунки ҳуқуқий тажриба ўтказиш жараёнида қонун лойиҳасининг давлат органлари фаолиятининг очиқлигини, уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланувчилар ихтиёрий ва эмин-эркин фойдаланишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий нормалари самарадорлигини аниқлаш имкони яратилади.

Шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви субъектларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишдан манфаатдор бўлган ОАВ, фуқаролик институтлари, аҳолининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи нормаларни такомиллаштириш, уларни амалга оширишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини ҳам яратади.

Эксперимент жараёнида қонун нормаларида бўшлиқлар, камчилик ёки нуқсонлар аниқланган тақдирда уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади. Натижада ушбу таклифлар асосида қонун лойиҳаси такомиллаштирилади.

3 ►►

**ЖАМОАТЧИЛИК** НАЗОРАТИ

# Давлат маблағларидан ким қандай фойдаланмоқда?

МАЪЛУМКИ, 2012 ЙИЛДА ҲАМ МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ ВА ЕТАКЧИ ТАРМОҚЛАРИДА ИЗЧИЛ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ САҚЛАНГАНИ, МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ, БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ВА ТАРМОҚЛАРНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШГА ОИД ДАСТУРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛГАНИ АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ ИМКОНИНИ БЕРДИ

Айниқса, жойларда транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасининг жадал ривожлантирилиши, қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишига оид дастурлар, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларга бюджет маблағларининг самарали йўналтирилгани энг чекка ҳудудларни ривожлантиришда ҳам муҳим омил бўлди.

Ана шундай улкан ўзгариш ва янгиланишлар, ўз навбатида, давлат маблағларининг аниқ мақсадларга йўналтирилиши бўйича изчил назорат ўрнатилишини ҳам тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2012 йилги назорат тадбирлари натижалари ҳам бу фикрни исботламоқда.

Ҳисобот даврида соҳа мутахассислари 43 та йўналиш бўйича жами 122 та объектда назорат тадбирлари ўтказилганини таъкидламоқдалар.

Хусусан, Хоразм ва Бухоро вилоятларида маҳаллий бюджет ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирларида ҳам асосий эътибор давлат маблағларининг мақсадли ишлатилганини аниқлашга қаратилди. Бундан ташқари текширувлар ана шу ҳудудларда бюджет даромадларини ошириш учун қўшимча захира ҳамда бюджет харажатларини камайтириш ва оптималлаштириш имкониятлари мавжудлигини ҳам кўрсатди.

4 ►►

## ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН МАҲОРАТ МАКТАБИ

**Сирдарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди гранти асосида ёш журналистлар учун маҳорат мактаби ташкил этилди.**

**Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самаралари, жаҳонда рўй бераётган воқеа ва ҳодисалар ҳақидаги ахборотни халқимизга тезкор, холис ва ҳаққоний етказиш давр талабидир. Бу борада журналистлар учун давлатимиз томонидан барча зарур шароит ва имкониятлар яратилмоқда.**

**Мазкур тадбирдан кўзланган мақсад ҳам ўз ижодий-интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришида ёш журналистларга яқиндан кўмаклашиш, уларнинг замонавий ахборот ва коммуникация технологияларига оид билим ва кўникмаларини ошириш, ҳудудий нашрлардаги кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашдан иборат.**

**Малакали мутахассислар иштирокида ўтказилган машғулотларда ёш журналистлар мамлакатимизнинг бугунги ҳаётини ҳар томонлама кенг ва холис ёритиш, босқичма-босқич амалга оширилаётган модернизация жараёни, матбуот соҳасидаги янги иш усуллари ва шакллари ҳақида зарур билимларга эга бўлди.**

(ЎзА).

КЎРГАЗМА

# Кооперация алоқалари

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗЭКСПОРМАРКАЗ» МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАЛАР МАЖМУИДА КОММУНАЛ СОҲА, ТРАНСПОРТ, КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ ҲАМДА ҚУРИЛИШ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ТАРМОҚ САНОАТ ЯРМАРКАСИ ВА КООПЕРАЦИЯ БИРЖАСИ БОШЛАНДИ




Тадбирнинг очилишида Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан турли даражада ўтказилаётган саноат ярмаркаси ва кооперация биржалари буюртмалар портфелини шакллантиришнинг ўзига хос механизми сифатида хизмат қилаётгани таъкидланди. Ушбу тадбирлар тармоқлараро ишлаб чиқариш кооперациясини кенгайтириш, тармоқ ичида ишлаб чиқариш алоқаларини мустаҳкамлаш, импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенг рағбатлантириш имконини бермоқда.

Ўтган йиллардаги ярмарка ва биржалар якунлари, тузилаётган шартномалар ҳажми ҳамда иштирокчилар, жумладан, кичик ва хусусий бизнес корхоналари сони йилдан йилга кўпайиб бораётгани бунинг тасдиғидир. Масалан, 2012 йилда коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ҳамда қурилиш саноати корхоналарининг тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида умумий қиймати 49,1 миллиард сўмлик 31 шартнома тузилди.

Бу галги тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида 115 йирик корхона, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари қатнашмоқда.

2 ►►

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 30 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | |
|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | ▲ | 2129,85 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ▼ | 3204,48 |
| 1 Дания кронаси | ▲ | 361,38 |
| 1 БАА дирҳами | ▲ | 562,10 |
| 1 АҚШ доллари | ▲ | 2064,61 |
| 1 Миср фунти | ▼ | 298,09 |
| 1 Исландия кронаси | ▲ | 17,61 |
| 1 Канада доллари | ▲ | 2034,10 |
| 1 Хитой юани | ▲ | 334,91 |
| 1 Малайзия ринггити | ▲ | 681,61 |
| 1 Польша злотийси | ▼ | 650,13 |
| 1 СДР | ▲ | 3101,72 |
| 1 Туркия лираси | ▲ | 1150,46 |
| 1 Швейцария франки | ▼ | 2192,43 |
| 1 ЕВРО | ▼ | 2692,13 |
| 10 Жанубий Корея вони | ▲ | 18,65 |
| 10 Япония иенаси | ▲ | 211,65 |
| 1 Россия рубли | ▲ | 66,13 |
| 1 Украина гривнаси | ▲ | 258,30 |

# ПАРЛАМЕНТДА

## Демократик янгиланишлар ва аграр қонунчилик



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI asr»

— Мустақиллик йилларида аграр соҳанинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ва изчил ишлар амалга оширилди, — деди анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Борий Алихонов. — Хусусан, бу даврда Ер кодекси, «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида», «Селекция ютуқлари тўғрисида», «Уруғчилик тўғрисида», «Наслчилик тўғрисида», «Ветеринария тўғрисида», «Ўсимликлар карантини тўғрисида», «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги каби 17 та қонун ҳамда улар асосида 110 дан ортиқ меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганини айтиш мумкин. Энг муҳими, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш айни пайтда ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Дарҳақиқат, ҳар қандай жамият ва давлат ривожида қонунлар барча муносабатларни тартибга солишнинг муҳим воситаси сифатида хизмат қилади. Шундай экан, аграр секторни ислоҳ қилиш ва либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланиши ниҳоятда муҳим йўналиш ҳисобланади. Бу борада, биринчи навбатда, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ва улар фаолияти билан боғлиқ инфратузилмани бугунги кун талабларига мослаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган амалдаги қонунлар ҳамда меъёрий ҳужжатларда кўзга ташланаётган камчиликларни бартараф этишга доир амалий таклиф ва тавсиялар тайёрлаш долзарб аҳамиятга эгадир.

— Президентимиз Ислом Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор йўналишлар негизида қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, аграр ва сув хўжалиги соҳасини янада тараққий эттиришни қонуний жиҳатдан таъминлаш масалалари ҳам ўрин олган, — деди қўмита раҳбари, O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Муҳаммадюсуф Тешабоев. — Ушбу йўналишда ижобий натижаларга эришиш учун мутасадди идоралар билан яқин ҳамкорлик ўрнатилгани, қўмита аъзоларининг ҳудудлар бўйича ихтисослашгани олдимизда турган долзарб вазифаларни ижро этишда ўз самарасини бераяпти.

> ҚЎМИТА ТАШАББУСИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН ҲАР БИР ТАДБИРНИНГ САМАРАДОРЛИК ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШДА СОҲАГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЮЗАСИДАН АНИҚ ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ АСОСИЙ МЕЗОН ЭТИБ БЕЛГИЛАНГАН. УШБУ МЕЗОН АСОСИДА АГРАР СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАР МУВАФФАҚИЯТЛИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН **380** ДАН ОРТИҚ ТАКЛИФ ТАЙЁРЛАНГАН.

Қўмита ҳузурида амалиётчи олимлар, ҳуқуқшунос ҳамда соҳанинг етук мутахассисларидан иборат жамоат экспертлар гуруҳи ташкил этилгани эса қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолияти жараёнида тегишли тармоқлар бўйича таҳлилий маълумотлар базасини яратишда муҳим омил бўлаяпти.

— Айни пайтда «Деҳқон хўжалиги тўғрисида» ва «Селекция тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш, «Уруғчилик тўғрисида», «Давлат кадастрлари тўғрисида», «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунларни такомиллаштириш, биология соҳасидаги илмий-амалий йўналишларнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишга қаратилган «Биотехнология ва биологик хавфсизлик тўғрисида», шунингдек, «Асаларичилик тўғрисида» ва «Балиқчилик хўжалиги тўғрисида»ги қонун лойиҳалари юзасидан амалий ишлар олиб бормоқдамиз, — дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Фахриддин Комилов. — Бу, ўз навбатида, амалдаги қонунлар ижроси устидан парламент назоратини таъминлаш, уни белгиланган ваколатлар доирасида амалга оширишга жиддий аҳамият бериш масалалари билан узвий боғлиқдир.

Таҳлилларга эътибор қаратсак, кейинги уч йилда қўмита томонидан жами 15 та назорат-таҳлил тадбири ўтказилгани ва унинг якунлари кенгайтирилган мажлисларда атрофлича муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилингани ойдинлашади. Мисол учун, «Наслчилик тўғрисида»ги қонуннинг 17, 18 ҳамда 19-моддалари талабларининг Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ижро этилиши ҳақида»ги назорат-таҳлил фаолияти якунлари юзасидан қабул қилинган қарор асосида унга оид қонуности ҳужжатларини тўлиқ ишлаб чиқиш масаласи қатъий назоратга олиниб, 10 дан ортиқ қонуности ҳужжатлари қабул қилинганини айтиш мумкин.

Ўтган йили қўмита томонидан 3 та назорат-таҳлил тадбири, 5 та эшитув, 3 та конференция, 12 та семинар, 8 та давра суҳбати ҳамда 16 та амалий мулоқот ташкил этилиб, уларнинг якунлари бўйича тайёрланган таҳлилий маълумотнома (махсус электрон база) депутатларнинг қонун ижодкорлиги жараёнида кенг қўлланилмоқда.

O`zLiDeP фракцияси аъзоси Абдухолиқ Жабборовнинг фикрича, парламент назорати самарадорлигини ошириб боришда белгилаб берилган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш, қабул қилинган қонунларнинг барча нормалари марказда ва жойларда сўзсиз ижро этилишини назорат қилиш ниҳоятда муҳимдир. Шунинг учун ҳам ҳисобот даврида Қишлоқ ва сув хўжалиги, Иқтисодиёт, Молия, Ташқи иқтисодий алоқалар, Инвестициялар ва савдо вазирликлари, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги, Савдо-саноат палатаси, шунингдек, Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, Мева-шарбат, боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси каби йирик муассаса ва давлат идоралари раҳбарларининг соҳага оид қонун ва қонуности ҳужжатлари ижроси юзасидан ахборотлари эшитилди.

Шу ўринда Юртбошимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони соҳада эришилаётган ютуқларни мустаҳкамлаш, аграр секторни ислоҳ этишнинг янги босқичини бошлаб берганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунинг учун ҳам қўмита фаолиятида мазкур ҳужжат ижроси юзасидан қатъий парламент назоратини ўрнатиш муҳим йўналиш сифатида белгилаб олинган.

Эътиборлиси, қўмита ташаббуси билан ўтказилган ҳар бир тадбирнинг самарадорлик даражасини аниқлашда соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан аниқ хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш асосий мезон этиб белгиланган. Ушбу мезон асосида аграр ва сув хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилишини таъминлашга қаратилган 380 дан ортиқ таклиф тайёрлангани ҳам фикримизга мисол бўлиши мумкин.

Ҳа, чиндан ҳам матбуот анжуманида қайд этилган рақамлар, айниқса, 2012 йилда соҳага оид қонунчиликни такомиллаштиришга хизмат қилган тадбирлар кўлами Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасида изчил ишлар олиб борилганидан далолат бермоқда. Аммо ана шундай натижаларга қарамай, вилоятлардаги журналистлар, соҳа вакилларидан тушган айрим саволлар мазмуни соҳага оид қонунларни янада такомиллаштириш, айниқса, Концепцияда белгилаб берилган қонунчилик ташаббусларини тезроқ қонунларга айлантириш лозимлигини ҳам англатмоқда.

Матбуот анжуманида, шунингдек, қўмита эшитувлари, назорат-таҳлил фаолияти ва амалий тадбирлар якуни бўйича қабул қилинган қарорлар, хулоса ва тавсиялар асосида соҳага оид қонунлардаги ҳавола нормалар асосида 60 га яқин қонуности ҳужжати ишлаб чиқилгани ва уларнинг аксарияти ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилгани хусусида ҳам маълумот берилди. Журналистлар, шунингдек, қўмитанинг жорий йилдаги режалари ҳақида ҳам етарлича маълумотга эга бўлдилар. Чунончи, мамлакат аҳолисини сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш масалалари янада долзарб аҳамият касб этаётгани туфайли «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурати туғилаётгани, «Қишлоқ хўжалигида кооперация тўғрисида», «Асаларичилик тўғрисида», Сув кодекси, Ер кодексининг янги таҳрири каби қатор қонун лойиҳаларига жамоат экспертлари кенг жалб этилган ҳолда аниқ асослантирилган таклифлар ишлаб чиқилиши алоҳида тилга олинди.

Қўмита раиси М.Тешабоевнинг таъкидлашича, юқоридагилардан келиб чиқиб, мамлакат аграр соҳасини модернизация қилиш учун қонунчиликни такомиллаштириш ишларини изчил давом эттириш ва бунда қуйидаги йўналишларга айниқса чуқурроқ кириб бориш зарур. Биринчидан, қишлоқ хўжалигига ресурсларни тежайдиган самарали агротехнологияларни татбиқ этиш ва тупроқ унумдорлигини ошириш, иккинчидан, уруғчилик тизими ва наслчилик ишлари назоратини кучайтириш, учинчидан, сифатли қишлоқ хўжалиги агрегатларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва мамлакат бозорини четдан кириб келаётган генлари ўзгартирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан муҳофазалашнинг ҳуқуқий асосини таъминлаш доимий эътиборда бўлиши керак.

Тадбир якунида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан тайёрланган «Ўзбекистон Республикасининг аграр қонунчилиги» номли рисоланинг тақдимоти ҳам ўтказилди. Анжуман иштирокчиларининг эътироф этишича, мазкур тўплам соҳа ходимлари ва қишлоқда етакчи кучга айланган фермерлар учун ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини янада тўлароқ билиб олишида зарур қўлланма вазифасини ўтайди.




## Кооперация алоқалари

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

**Сардор ТОЖИЕВ,**
ЎзА мухбири

Улар орасида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси, «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси ва бошқа корхона ҳамда ташкилотлар бор. Улар маҳаллий хомашё асосида ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар, ишлаб чиқариш янгиликлари ва ўзлаштириш учун мўлжалланаётган маҳсулотларни намойиш этмоқда.

Айни пайтда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан ҳисобланади. 2012 йил якунлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 796 миллион АҚШ долларидан ошди. Ушбу муваффақиятларга эришишда ўз таркибига бир юз йигирмадан ортиқ корхонани бирлаштирган «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компаниясининг алоҳида ўрни бор. Ярмаркада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намуналари — гипсокартон, қуруқ қурилиш аралашмалари, сопол кошинлар, ғовакли платмасса, сунъий безак тошларидан тайёрланган ва бошқа буюмлар намойиш этилмоқда.

Компания корхоналарида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, мамлакатимиз саноатининг бошқа тармоқлари билан кооперация алоқаларини ривожлантириш асосида импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур ярмаркада қатнашиш барча иштирокчиларга ўз маҳсулотларини намойиш этиш, ишлаб чиқаришнинг техник янгиликлари, бир-бирига яқин тармоқ ва корхоналарнинг ютуқлари билан танишиш, яқин келажакдаги эҳтиёжларни аниқлаш имконини беради. Мисол учун, ўтган йили «Кварц» акциядорлик жамияти Қўнғирот сода заводи билан кальцийланган сув етказиб бериш учун шартнома тузган эди. Жамият вакиллари бу галги ярмаркада ҳам янги шериклар топишга ишончлари катта.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси бўлимлари, хусусан, ҳаракатланувчи таркибни таъмирлаш ва модернизация қилишга ихтисослаштирилган «Қуюв-механика заводи» шўъба корхонасида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ҳамда технологик қайта жиҳозлаш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда Маҳаллийлаштириш дастури бўйича янги вагонлар ишлаб чиқариш, пўлат қуйиш, ҳаракатланувчи таркиб ҳамда йўлларнинг устки тузилиши учун эҳтиёт қисмлар, деталлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Завод ўз маҳсулотлари билан бошқа тармоқларни ҳам таъминламоқда. Чунончи, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тузилмаларига насосларнинг эҳтиёт қисмлари, металл конструкциялар, сув беркитиш арматуралари, юк кўтариш механизмлари ҳамда кранлар етказиб бермоқда.

Тармоқ ярмаркасининг дастлабки кунида «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси, «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмаларининг тақдимотлари бўлиб ўтди.

### ▽ «АСРЛАР САДОСИ – 2013»

## ФЕСТИВАЛГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРИЛДИ

**«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида жорий йилнинг 4-5 май кунлари Навоий вилоятида ўтказиладиган «Асрлар садоси – 2013» анъанавий маданият фестивалида Нукус шаҳридаги «Суў серпер» фольклор-этнографик ансамбли жамоаси ҳам иштирок этади.**

**Шаҳар маданият уйи қошида фаолият олиб бораётган ушбу фольклор-этнографик жамоа қорақалпоқ халқининг миллий куй-қўшиқларини қайта тиклаш ва уларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Фольклор жамоалари ўртасида ўтказилаётган турли кўрик-танловларда юқори ўринларни эгалламоқда.**

**– Миллий маданиятимизнинг тарихий илдизларига қайта ҳаёт бахш этаётган «Асрлар садоси» фестивалида «Бешик тўйи» дастуримизни намойиш этамиз, — дейди ансамблнинг бадиий раҳбари Мурат Бекимбетов. — Унда неча асрлардан буён сақланиб келаётган миллий удумларимиз, қадриятларимиз ўз ифодасини топган.**

**Ижодий жамоа репертуаридан ўрин олган «Ай кўрмек» ва «Ай табақ» халқ ўйинлари, «Шанграқ», «Беташар», «Тусов кесув», «Суннат тўйи», «Она алласи» каби композициялар аждодларимизнинг қадим ўтмиши ва маданиятини намоён этувчи фольклор асарлари сирасига киради.**

**Қорақалпоғистонда профессионал ва халқ фольклор-этнографик ансамбллари, шунингдек, ўндан зиёд фольклор-этнографик жамоа фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан фольклор санъатини тиклаш ва ривожлантириш борасида муайян ишлар олиб борилаётир, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадимий ўланлар, айтишувлар, миллий рақсларга қайта жило берилмоқда.**

**«Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали халқимизнинг ана шундай миллий анъана ва қадриятларини асраб-авайлаш, тарғиб этиш, ёшлар қалбида Ватанимизнинг кўҳна маданиятидан фахрланиш туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.**

А.ОРТИҚБОЕВ, ЎзА мухбири.

### ▽ СЕМИНАР

## САЙЛОВ ЖАРАЁНИНИ ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

**Қаршида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳамкорлигида «Ўзбекистонда сайлов жараёнларини янада демократлаштиришнинг долзарб масалалари» мавзусида ҳудудий семинар-тренинг бўлиб ўтди.**

**Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А.Эшмуродов ва бошқалар мамлакатимизда сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш мақсадида унга киритилаётган ўзгартиришлар, уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритди. Йиғилганларга сайлов жараёнларининг янада либераллаштириш, давлат ҳокимияти вакиллик органларига ўтказиладиган сайловларни очиқ-ошкоралигини таъминлаш ҳамда юқори савияда ташкил этиш учун тегишли шарт-шароитларни яратиш билан боғлиқ масалалар юзасидан атрофлича маълумот берилди.**

**Семинар-тренингда сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил этиш бўйича қонунчилик талаблари ва сайловолди ташвиқотини амалга ошириш жараёнида сиёсий партиялар ва улар томонидан кўрсатилган номзодларга ҳудудий оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг шароитларни таъминлаш масалалари муҳокама этилди.**

Ф.ХОЛМИРЗАЕВ, ЎзА мухбири.

# ИСЛОҲОТ

## «Аёллар қаноти» амалий натижаларга таянаяпти

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Наргиза ҚАҲҲОРОВА,**
«XXI asr»



Масалан, ўтган йилги лойиҳалар тарғиботига бағишланган тадбирлар натижасида вилоятда тадбиркор аёллар сафи сезиларли даражада кенгайди. Ҳозир партия аъзоси бўлган 3170 нафар хотин-қизнинг 654 нафари тадбиркор ва фермерлардан иборат. Жорий йилнинг ўтган даврида ҳам 30 дан ортиқ давра суҳбати ва учрашувлар ўтказилиб, уларда кичик бизнеснинг иқтисодиёт турли тармоқлари, шунингдек, хизмат кўрсатиш, фермерлик соҳаларини ривожлантиришдаги ўрни хусусида фикр юритилди. Айни пайтда эса навоийлик сафдошларимиз «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга ошириш, шу мақсадда оилавий тадбиркорликни кенг йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

— Аёлларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш билан боғлиқ вазифалар партия Ҳаракат дастуридаги мақсадлар билан ҳамоҳанглиги ушбу йўналишдаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришимизни тақозо этмоқда, — дейди халқ депутатлари Навоий вилоят кенгаши депутати, тадбиркор Гулшан Бобоқулова. — Зеро, ишбилармон ва тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилиш, қўшимча иш ўринларини яратишга кўмаклашиш, аёлларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва уларни бизнесга жалб этиш партиямизнинг устувор мақсадларидан биридир.

Дарҳақиқат, иқтисодиётимизнинг ҳал қилувчи бўғинига айланган фермерлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда фаол аёллар ташаббускорлиги яққол кўзга ташланиб турибди.

Масалан, нуроталик тадбиркор, ўнга яқин халқаро танловлар совриндори «Муаззам Сарбон» хусусий фирмаси раҳбари Рухсора Тўрақулова бир нечта янги иш ўринлари яратиб, уларга касб-ҳунар коллежи битирувчиларини қабул қилган бўлса, карманалик Рисолат Комилова оилавий тадбиркорликка қўл уриб, 4 та янги иш ўрни яратди. Партия фаоли, депутат Гулшан Бобоқулова ташаббуси билан эса Конимех туманида хотин-қизларни касбга йўналтиришга ихтисослаштирилган тикиш-бичиш курси ташкил этилиб, кам таъминланган хонадон аъзолари ва ногирон опа-сингилларимизни бепул ўқитиш йўлга қўйилди. «Аёллар қаноти» ташаббуси билан Томди туманидаги 11 нафар, Навбаҳор туманидаги тадбиркорликка лаёқатли 64 нафар хотин-қизларга ўз бизнесини шакллантириш учун имтиёзли кредит ажратилишига амалий ёрдам кўрсатилди.

— 2008 йилдан буён тадбиркорлик билан шуғулланаётган бўлсам-да, каштачилик сирларини болалигимдан ўрганганман, — дейди Рухсора Тўрақулова. — Ҳали «Муаззам Сарбон» хусусий фирмаси ишга тушганига кўп бўлгани йўқ. Аммо бозор талабларини ўрганиб, яратилган имкониятлардан фойдаланганим ўз самарасини бера бошлади. Ишда сифат бўлгач, маҳсулотни мижознинг ўзи қидириб келар экан. Ўтган тўрт йилда «Эшони Судур» маҳалласи қизларининг моҳир қўллари билан яратилган каштачилик маҳсулотлари юртимиз сайёҳлари орқали АҚШ, Германия, Туркия, Кореягача етиб борди.

— Нафақат тадбиркорлик йўналиши, балки аёллар саломатлиги, оилалардаги соғлом муҳит, аёлларнинг жамиятдаги ўрни каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратаяпмиз, — дейди O`zLiDeP Кармана туман кенгаши раиси ўринбосари Новвотой Саримсоқова. — Бундай ёндашув, албатта, ўз самарасини бермоқда. Айниқса, давра суҳбатларини ташкил этишда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Навоий минтақавий филиали мутахассислари, Навоий давлат педагогика институти профессор-ўқитувчилари, Савдо-саноат палатаси сингари ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатганимиз фаолиятимизни янада жонлантиришга хизмат қилаяпти.

Мухтасар қилиб айтганда, Навоийда изланувчан, тадбиркор, мамлакат келажаги учун ўзини масъул, деб билган фаол аёллар сони кўпайиб бормоқда. Уларнинг O`zLiDeP дастурий ғояларини амалда намоён этаётганликлари эса партиядош дугоналаримиз ва ҳамфикрларимиз сафини оширишга хизмат қилаяпти.

## Ҳуқуқий эксперимент

### ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИНГ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Худоёр МАМАТОВ,**
Самарқанд вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

Шу ўринда Юртбошимизнинг 2011 йил 23 августдаги 1602-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида»ги низомга кўра, жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятини оширишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги ишларини самарали мувофиқлаштиришни амалга ошириш Адлия вазирлигининг асосий функцияларидан бири этиб белгиланганини таъкидлаш лозим.

Шу нуқтаи назардан «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий экспериментни Самарқанд вилоятида сифатли ва муваффақиятли ўтказишда бошқармамиз зиммасига алоҳида масъулият юклатилади.

Эксперимент ўтказиш бўйича тузилган Ишчи гуруҳи ҳам Адлия бошқармасининг қонун лойиҳаси нормаларида белгиланган очиқлик режимида фаолият кўрсатишига доир регламентига ишлов берилиши ҳолати, шунингдек, бошқарма томонидан жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтларини мазкур экспериментдан кўзда тутилган мақсад, унинг ўтказилиш тартиби ҳақида хабардор этиш бўйича амалга оширилаётган ишларини ўргангани ҳам шундан далолат беради. Ана шу жараёнда Ишчи гуруҳи аъзолари бошқарма веб-сайти, ахборот-хизмати ҳамда бошқарма мутасаддилари томонидан фуқароларни қабул қилиш хоналари билан танишиб, ўз мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар.

Айни пайтда бошқарманинг интернет ресурсидаги www.samarqand.adliya.uz саҳифасида жойлашган веб-сайтига фуқароларни виртуал қабул қилиш синовдан ўтказилмоқда. Ушбу тизим орқали фуқаро ва юридик шахслар мурожаат (шикоят, ариза, таклиф) қилишлари ҳамда адлия соҳасига тааллуқли масалада керакли маслаҳатлар олишлари мумкин. Бошқарма веб-сайтидан вилоятдаги барча оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқарма фаолиятига оид янгиликлардан ташқари мамлакатимизда рўй бераётган муҳим сиёсий, ижтимоий-иқтисодий янгиликлар юзасидан ҳам маълумот олиш мумкин.

Бундан ташқари веб-сайтимизда қабул қилинаётган ва мунтазам тарзда янгиланаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси ҳам яратилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозир бошқарма томонидан ҳуқуқий экспериментни амалга оширишнинг ўзига хос жиҳатлари борасида кенг кўламдаги тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бунда, шубҳасиз, бошқарма тузилмалари ва ахборот хизматининг оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан мустаҳкам ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 26 апрель куни бошқарма ташаббуси билан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг вилоят ва туман (шаҳар) бўлимлари раислари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Самарқанд вилоят минтақавий филиали, Республика Маънавият-тарғибот маркази, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимлари, сиёсий партиялар ҳудудий бўлимлари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирокида «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий экспериментни ўтказиш борасида фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги» мавзусида семинар ўтказилди. Унда «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қонун синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақидаги фармойиши мазмун-моҳияти иштирокчиларга батафсил тушунтириб берилди.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган фармойишнинг аҳамияти шундаки, у тажриба ўтказилаётган қонун лойиҳасини такомиллаштириш учун қўшимча имконият бериш билан бирга, қонун ижодкорлиги фаолиятида янги, истиқболли усулни жорий этиш учун мустаҳкам асос ҳам яратмоқда.

**ПАРТИЯВИЙ** ЛОЙИҲАЛАР

## Тадбиркорлик тараққиётга хизмат қилмоқда

### САМАРҚАНДДА «КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖЛАНИШИ — ОБОД ТУРМУШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ» ФОРУМИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

**Муҳаббат РАВШАНОВА,**
«XXI asr»

O`zLiDeP вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, солиқ, божхона ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармалари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, тадбиркор ва фермерлар, таълим муассасалари битирувчилари қатнашдилар.

Анжуманда O`zLiDeP вилоят кенгаши раиси Муродулло Холмуҳамедов «Обод турмуш йили»да тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш ва бошқа молиявий хизматлар кўрсатиш борасида белгиланган ҳамда амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида» маъруза қилди.

— Аҳоли ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш O`zLiDePнинг устувор вазифаларидан ҳисобланади, — деди у ўз сўзида. — Айниқса, ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятига қизиқишини кучайтириш, уларга ўз бизнесини ташкил этиш учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароит яратиш, шунингдек, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш партия ташкилотларининг доимий диққат эътиборидадир.

Форумда, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши, унинг эркинлигини чеклаётган муаммоларни тизимли ўрганиб бориш ва бартараф этиш юзасидан аниқ амалий таклифлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди. Таъкидланишича, 2012 йилда «Тадбиркорлар мулоқот форуми» лойиҳаси доирасида ташкил этилган 6 та амалий мулоқотда 2385 нафардан ортиқ партия электорати вакиллари, соҳанинг етакчи олим ва экспертлари, депутатлар иштирок этиб, 500 га яқин амалий таклифлар билдирилган. Уларнинг 200 дан ортиғи Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракциясига тақдим этилгани аҳамиятга моликдир.

Маълумки, O`zLiDeP ва унинг ҳамкорлари томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар жамиятимиздаги ҳар бир ёш ва ҳар бир оилага қаратилган. Бу лойиҳалар Юртбошимизнинг 2012 йил якунлари ва 2013 йилдаги устувор вазифаларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар ижросини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Тадбир иштирокчилари партиянинг «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба», «Парламентда менинг ўрним», «Агар мен депутат бўлсам...», «Хавфсиз интернет», «Мулкдор оила — 2013», «Тадбиркорлар мулоқот форуми», «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари», «Соғлом оила — мустаҳкам оила», «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳалари билан танишдилар.

— Анжуманда ёш тадбиркорлардан ташқари олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳам фаол иштирок этдилар, — дейди кенгашнинг Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Сардор Луқмонов. — Бу йил жорий этилган яна бир янги — «Ёш олимлар ва тадқиқотчилар — 2013» лойиҳаси эса кўплаб иқтидорли ёшларни кашф этишга хизмат қилади. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, ўтган йили биргина «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси доирасида вилоятда 20 нафарга яқин битирувчи 100 млн. сўмдан ортиқ имтиёзли кредит олиб, ўз бизнесини бошлади. Масалан, иштихонлик Феруза Ҳакимова қурокчиликни йўлга қўйган бўлса, Даврон Якубов чорвачилик билан шуғуллана бошлади.

Анжуманда ёшлар бизнес-режа тузиш, гаров таъминоти, тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиблари юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**АНЖУМАН**

## ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК МУҲОФАЗАСИ ТАЪМИНЛАНГАН

**Интеллектуал мулк агентлиги ташаббуси билан Миллий матбуот марказида Халқаро китоб ва муаллифлик ҳуқуқи ҳамда Халқаро интеллектуал мулк кунига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида соҳа ривожланишининг замонавий йўналишлари, тажриба ва ихтиролар асосида рақобатбардош маҳсулотлар яратиш ҳамда истиқболдаги режалар хусусида сўз юритилди. Тадбирда агентликнинг мустақиллик йилларида интеллектуал мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича жаҳон ҳамжамиятининг барча механизмларини бошқариб борадиган, 185 та давлатни ўз ичига олган «Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти»га аъзо экани ҳамда тизимда кенг миқёсда халқаро ҳамкорлик олиб борилаётгани, жумладан, «Саноат мулкини ҳимоя қилиш бўйича Париж конвенцияси», «Адабий ва бадиий асарларни ҳимоя қилиш бўйича Берн Конвенцияси», «Белгиларни халқаро рўйхатга олиш тўғрисида Мадрид битимига Баённома», «Патент ҳамкорлиги тўғрисидаги шартнома» каби қатор халқаро шартнома ва битимлар ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни муҳофаза қилишга кўмаклашувчи ва миллий саноатга хорижий инвестицияларни жалб қилишга йўналтирилган 8 та давлатлараро, 10 та ҳукуматлараро ва 17 та идоралараро ҳужжат имзолагани алоҳида таъкидланди.**

Равшан ҲАЙДАРОВ тайёрлади.

**ДЕПУТАТЛИК** ГУРУҲЛАРИДА

## Талабчанлик ва назорат — бош мезон

### ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОЛОТ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ O`ZLIDEP ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ЙИҒИЛИШЛАРИДА ҲОКИМЛИК ТИЗИМИ МАСЪУЛ ХОДИМЛАРИ, КОРХОНА, ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАЛАРНИНГ МУТАСАДДИЛАРИ АХБОРОТЛАРИНИ ТИНГЛАШ АМАЛИЁТИДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА. БУ ЭСА ҲУДУДНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШГА ТЎСИҚ БЎЛАЁТГАН КАМЧИЛИК ВА НУҚСОНЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА БАРТАРАФ ЭТИШ ИМКОНИНИ БЕРАЯПТИ

**Асқор ИСТАМОВ,**
«XXI asr»



Яқинда гуруҳ томонидан Президентимизнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда ҳудудларнинг ялпи ички маҳсулотдаги саноат улушини кўпайтириш, замонавий қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш масалалари муҳокама қилинди.

Халқ депутатлари туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари П.Юллиев бошқарган йиғилишда туман ҳокимлиги иқтисодиёт бўлимининг бошлиғи З.Раҳимовнинг ҳисоботи тингланди.

Тадбирда ҳудудда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда бир қатор ижобий натижалар қўлга киритилаётгани, саноат ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, қурилиш ишлари ва пуллик хизматлар ҳажмини оширишда ижобий натижаларга эришилаётгани таъкидланиб, бандлик дастурида кўзда тутилган иш ўринлари яратиш режаси (4,54 мингта) 100,5 фоизга уддаланганлигига алоҳида урғу берилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан сўзга чиққан депутатлардан Б.Аллабердиев, Ш.Жўраев ва Б.Бобоқулов туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга айрим йўналишлардаги ишлар аҳволи салбий таъсир кўрсатаётганини, жумладан, қатор соҳаларда вилоят кўрсаткичидан паст даража сақланиб келинаётганини таъкидладилар.

Саноат ва хизматлар соҳасини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, экспорт салоҳиятини кенгайтиришнинг комплекс дастурларини амалга ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги масаласи ҳам атрофлича муҳокама этилиб, депутатлар бу борада ҳам ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигига эътибор қаратдилар. Масалан, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда туманнинг вилоятдаги улуши атиги 2,7 фоизни ташкил этаяпти, холос. Ҳудудда фаолият кўрсатаётган 45 та кичик корхонадан 13 таси зарар билан ишлаяпти. Вилоятнинг 2012 йилги ҳудудий инвестиция дастурига асосан, туман миқёсида амалга оширилиши лозим бўлган 2 та лойиҳа белгиланган муддатларда бажарилмаган. «Мергантекс» МЧЖ негизида ип-калава ҳамда «Маориф Истиқбол Савдо» экспорт-импорт ИЧК негизида мактаб формалари ва мебель ишлаб чиқариш қувватини ошириш билан боғлиқ лойиҳалар ижроси ҳам таъминланмаяпти.

Йиғилишда, шунингдек, туман ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ва маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўлларида қурилиш-таъмирлаш ишларини кенгайтириш, қишлоқ жойларида уй-жойлар қурилишини ўз вақтида таъминлашга доир ишларнинг натижаси, шунингдек, 2013 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури параметрларининг сўзсиз бажарилиши учун маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарларининг масъулияти тўғрисидаги масалалар ҳам муҳокама этилди. Депутатлар, ўз навбатида, халқ депутатлари туман кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига маҳаллий корхоналарни модернизациялаш, ночор корхоналар фаолиятини қайта тиклаш, оилавий тадбиркорликни кенг йўлга қўйиш орқали янги иш ўринларини яратишга алоҳида эътибор қаратиш юзасидан мазкур депутатлик сўрови ва депутатлик назорати амалиётидан унумли фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

# ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

## Давлат маблағларидан ким қандай фойдаланмоқда?

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Ўз мухбиримиз**

Гарчи бундай тадбирлар давомида давлат бюджети даромадлар қисмининг ижроси тўлиқ таъминланганига, харажатлар Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифига мувофиқ йўналтирилганини кўрсатса-да, айрим соҳа ва тизимларда давлат маблағларидан нотўғри фойдаланиш ҳоллари ҳам аниқланган. Бу «Ўзавтойўл» ДАК тизимига кирувчи корхоналарда кўпроқ кузатилгани афсусланарлидир. Ҳисоб палатаси мутахассислари шундай хатолар бошқа соҳаларда ҳам учраётганини таъкидламоқдалар.

Масалан, Бухоро вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси томонидан 2012 йилда жуда катта ҳажмдаги ишлар бажарилганига қарамай. ўтказилган текширишлар 3 та ҳолатда 60,6 млн. сўмлик ишлар бажарилмагани ва ҳисоботларга ортиқча киритилгани, 6 та ҳолатда эса 190 млн. сўмлик иш ҳажмини яшириш ва ягона солиқ тўлови ставкасининг 6 фоиз ўрнига 5 фоиз миқдорида қўлланилганини кўрсатди. 1 та ҳолатда эса танлов офертасига киритилган 54,6 млн. сўмлик ишлар бажарилмагани ва 3 та объектда 6,3 млн. сўмлик ишлар сифатсиз бажарилгани аниқланди.

Шу ўринда Ҳисоб палатаси Ишчи гуруҳи кўрсатмасига асосан мазкур компания томонидан 2011-2012 йиллар мобайнида манзилли дастурларга киритилган объектларда 414,7 млн. сўмлик сифатсиз ва нуқсонли ишлар бартараф этилганини қайд этиш лозим.

Бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлар томонидан Бухоро вилояти бўйича Ғазначилик бошқармасига тақдим этилган хўжалик шартномалари танланма тартибда мониторинг қилинганда ҳам 33 та ҳолатда шартномалар электрон савдо якуни бўйича баённома эълон қилишдан олдин тузилгани аниқланган. Ушбу жараёнда маҳсулотнинг мувофиқлик сертификати мавжуд эмаслиги, шартнома тузилгандан кейин танлов ўтказиш, товарлар параметрларини тўлиқ ёзмаслик, электрон савдога сўровнома тақдим қилмаслик сингари ноқонуний хатти-ҳаракатларга ҳам йўл қўйилган. Танлов жараёнида эса товарлар бўйича электрон савдо ўтказиш баённомаси мавжуд бўлмаса-да, уларни шартномадаги товарлар рўйхатига киритиш, юқори нархда сўровнома тақдим этиш ҳисобига жами 119,7 млн. сўмлик молиявий хатолар содир этилган.

2012 йилда Ҳисоб палатаси томонидан жойларда аҳолини иш билан таъминлаш, касаначилик асосида меҳнат муносабатларини қарор топтириш юзасидан ҳам атрофлича текширувлар ўтказилган. Зеро, бу борада мамлакатимизда изчил иш олиб борилиб, вақтинча ишсиз бўлган фуқаролар, айниқса, аёллар бандлиги таъминланаяпти. Бу, шубҳасиз, ҳар бир оила даромади, оқибатда эса аҳоли фаровонлигига хизмат қилаяпти. Аммо Ҳисоб палатаси текширувлари давомида Бухоро вилоятининг айрим туманларида бу масалада «қўшиб ёзиш»ларга йўл қўйилгани маълум бўлди. Масалан, Бухоро туманидаги «Аббос Темур сервис», «Гулруҳ Гулмера Саёҳат Шофиркон гуллари» сингари корхоналар ўз фаолиятини тўхтатган бўлса-да, Меҳнат ва аҳолини муҳофаза қилиш бошқармаси маълумотларида ушбу корхоналарда касаначилик асосида иш ўринлари ташкил этилгани қайд этилган.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Ҳисоб палатасининг назорат-тадбирларигача бундай сохта ҳужжатлар тўлдирилганидан наҳотки мутасадди ташкилотлар хабар топмаган бўлсалар? Жойлардаги депутатлар. халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги доимий комиссия аъзолари-чи? Бир сўз билан айтганда, Ҳисоб палатаси мутахассисларининг жойлардаги фаолияти, қонунлар, Президент фармонлари ва қарорлари ижросига жиддий эътибор қаратиш ва бу борада жамоатчилик назоратини янада кучайтиришни тақозо этмоқда.

> БУНДАЙ ТАДБИРЛАРНИНГ ҲУДУДЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАНИ АЙРИМ СОҲА ВА ТИЗИМЛАРНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИДА АНИҚЛАНГАН ҚОНУНБУЗИЛИШЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БАРОБАРИДА УЛАРНИНГ ҚАЙТА ТАКРОРЛАНМАСЛИГИ ҲАМДА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР МУТАСАДДИЛАРИ ЗИММАСИДАГИ МАСЪУЛИЯТНИ КУЧАЙТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАЯПТИ.

Ҳисоб палатасининг турли назорат қилувчи органлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари билан жойларга чиқиб, назорат тадбирлари натижаларини кенг муҳокама этаётгани жамоатчилик назорати институти имкониятларини янада кучайтиришга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Айниқса, бундай тадбирларнинг ҳудудларда ташкил этилгани айрим соҳа ва тизимларнинг молия-хўжалик фаолиятида аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш баробарида уларнинг қайта такрорланмаслиги, корхона ва ташкилотлар мутасаддилари зиммасидаги масъулиятни кучайтиришга олиб келмоқда.

Ҳисоб палатаси мутахассислари томонидан аниқланган айрим камчиликларни таҳлил этиб, бир неча йиллар аввал йўл қўйилган ноқонуний хатти-ҳаракатлар ҳам мутахассислар эътиборидан четда қолмаётганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бу эса давлат маблағларининг талон-торож қилиниши ҳар қандай ҳолатда ҳам жавобгарликка олиб келишини исботламоқда. Мана, бир мисол:

«Чирчиққишлоқмаш» ОАЖ томонидан 2000 йилнинг 5 сентябрида тузилган шартномага асосан корхона ҳисобидаги 4,2 гектар ерда жойлашган, умумий қурилиш ости майдони 9506 $\text{м}^2$ бўлган, 11 та бино ва иншоот ҳамда бошқа асосий воситалардан иборат Манғит ихтисослаштирилган тажриба заводи ҳеч қаерда баҳолатилмай атиги 6,1 млн. сўмга «Манғит ишлаб чиқариш-тижорат маркази» МЧЖга сотиб юборилади.

Гарчи ушбу корхонада йўл қўйилган ноқонунийлик ўз пайтида «муваффақиятли» амалга оширилган бўлса-да, Ҳисоб палатаси ходимлари бундай «олғирлик» замирида давлат мулки талон-торож қилинганини англадилар. Ниҳоят, аниқланган қонунбузилишларга асосан Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2012 йил 27 майдаги ҳал қилув қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Кассация инстанциясининг 2012 йил 6 августдаги қарорига мувофиқ «Чирчиққишлоқмаш» ОАЖ билан «Манғит ишлаб чиқариш-тижорат маркази» МЧЖ ўртасида 2000 йил 5 сентябрда тузилган шартнома бекор қилинди. Мулк тўлалигича давлат ҳисобига ўтказилди.

Шу ўринда уч йилдан буён асосий назорат тадбирлари билан бир қаторда, юқоридагидек камчиликларни бартараф этиш ва келгусида уларнинг олдини олишга қаратилган Ҳисоб палатаси кўрсатмаларининг мониторинги амалга оширилаётганини таъкидлаш жоиз.

Ҳисобот даврида ҳам Давлат бюджетининг 2011 йилги ижроси тўғрисидаги ҳисоботнинг ташқи аудити хулосалари асосида Молия вазирлиги ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар ҳисоботларини, сиёсий партияларнинг молиявий даромадлари шаклланиши ҳамда харажатларининг «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларига мувофиқлигини текшириш, Хоразм ва Бухоро вилоятлари маҳаллий бюджетининг 2011 йилги ижроси ва вилоятларда инфратузилма, транспорт ва коммуникация тармоқларини ривожлантириш учун ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш масалаларини ўрганиш якунлари бўйича текширилган объектлар ҳамда тегишли вазирлик ва идораларга юборилган 16 та кўрсатма ижроси қайта кўриб чиқилди.

Бундай кўрсатмалар ижросининг мониторинг натижалари эса соҳа ва тизимларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилганини кўрсатмоқда. Масалан, Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси томонидан асоссиз равишда олинган 330,5 млн. сўм миқдоридаги маблағни бюджет ҳисобига ундириш тўғрисида қарор қабул қилиниб. хўжалик юритувчи субъектларга кўрсатмалар берилган эди.

Ана шундан кейин қурилиш ишлари ҳажмига қўшиб ёзилган 89,7 млн. сўм ҳамда сифатсиз бажарилган 35,0 млн. сўмлик ишлар бош пудратчи корхоналар ҳисобидан қайтадан бажарилди.

Ҳисоб палатасидан тақдим этилган маълумотлар назорат тадбирлари мониторинги 2012 йилда ҳам изчил давом эттирилганини кўрсатмоқда.

Мониторинг давомида фақат етказилган зарарлар ундирилмай, аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан ҳам таклифлар тайёрланганини тилга олиш мумкин. Бундан ташқари Ҳисоб палатасининг таклиф-тавсиялари ҳамда кўрсатмалари асосида ўтказилган текширишлар натижаси вазирлик ҳамда идораларнинг қўшма ҳайъат йиғилишларида ҳам кенг муҳокама этилаётир.

Айни пайтда мулкдорлар қатлами, кичик бизнес вакиллари, тадбиркор ва ишбилармонлар ҳамда фермерлар манфаатини ифода этаётган O`zLiDeP ва унинг жойлардаги вакиллари ҳам ана шундай муҳокамаларда фаол иштирок этаётганини, аниқланган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдираётганларини таъкидлаш жоиз. Чунки партия уставида жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни мунтазам ўрганиб бориш, уларни партиявий воситалар билан ҳал этиш, шу жумладан, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда фойдаланилмаётган захира ва ички имкониятларни излаб топиш чораларини кўриш белгилаб олинган.

Халқимизда давлат мулкига хиёнат қилиш етимлар ҳаққига хиёнат қилиш билан баробар, деган нақл бор. Айни пайтда мамлакатимизда миқёси ва кўлами жиҳатидан улкан ишлар амалга оширилаяпти. Бирон соҳа йўққи, бунда давлат ёрдами кўрсатилмаган ёки давлат маблағлари сарфланмаган бўлса. Аммо ҳар тўкисда бир айб, деганларидек, юқоридагидек хатолар умумиқтисодиётимизга, демакки, халқимиз фаровонлигига салбий таъсир этиши аниқ. Бас, шундай экан, барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, корхона ва ташкилотлар фаолиятини орқага тортаётган ҳолатларнинг олдини олишга масъул эканимизни ҳеч қачон унутмайлик.

**СЕМИНАР**

### АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

**Фарғонада Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази, Словениянинг “Regional Dialogue” ташкилоти ҳамкорлигида давлат бошқаруви органлари ахборот хизматлари фаолиятини такомиллаштириш ва уларнинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.**

**Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятимизда ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ахборот соҳасини босқичма-босқич ислоҳ қилиш, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан кабул килинаётган кароpлар, аввало, фукароларнинг ҳукук ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ ҳужжатлари ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлашда муҳим дастуриламал бўлмоқда.**

**Маълумки, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ-ошкоралигини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда ахборот хизматлари муҳим ўрин тутади. Мамлакатимизда ахборот хизматларининг эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароит яратиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ходимлар билим ва малакасини ошириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.**

**Семинарда ахборот хизматлари учун замонавий кадрлар тайёрлаш, мазкур хизматларнинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.**

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири.

Реклама ўрнида



## «Микрокредитбанк»нинг янги лойиҳаси

### ОИЛАЛАР ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Мусурмон РЎЗИЕВ,**
«XXI asr»

«Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик-тижорат банки Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш Фонди билан ҳамкорликда «Оила фаровонлигини таъминлаш учун аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш» лойиҳасини амалга оширишга киришди.

Шу асосда фермер ва тадбиркор аёлларнинг бизнес малакаси ва молиявий саводхонлигини ошириш бўйича семинар-тренинглар ташкил этиш режаси ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этила бошланди. Ушбу лойиҳада иштирок этган Раъно Раҳимованинг таъкидлашича, бундай семинар-тренинглар ишбилармон аёлларни қўллаб-қувватлашда реал натижалар бермоқда.

— Мен мазкур лойиҳада мураббий сифатида иштирок этаяпман, — дейди Р.Раҳимова. — Жойларда. айниқса, қишлоқларда хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш иштиёқидаги хотин-қизлар кўпчиликни ташкил этади. Улар бошини қовуштириш, билим ва малакаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш керак. Бўлиб ўтган семинар шахсан менда катта таассурот қолдирди. Хоразмга қайтгач, ишбилармон аёллар билан астойдил шуғулланмоқчиман. Хусусан, фермер аёлларга бухгалтерия ҳисобини ўргатиш, давлат органлари билан муносабатлар тартиби ва банкдан кредитлар олиш масалалари бўйича фикрлашамиз. Бу ишга хоразмлик 500 нафар аёлни қамраб олишни режалаштирдик. Бунда, шубҳасиз, «Микрокредитбанк» бизни қўллаб-қувватлаётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Ҳақиқатан ҳам, ушбу лойиҳанинг рўёбга чиқарилиши нафақат аёллар фаоллигини, балки кўплаб оилалар фаровонлигини оширишга ҳам хизмат қилиши таъкидланаяпти. «Микрокредитбанк» эса шу мақсадда жорий йилда 5 минг нафар тадбиркор ва фермер аёлга 20 млрд. сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратишни режалаштирган. Жорий йилнинг ўтган ойларида 733 нафар тадбиркор аёлга 3,7 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар берилди.

# ХАБАРЛАР

### ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛАДИ

**Пойтахтимиздаги «Shodlik Palace» меҳмонхонасида Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар) фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни ёритишда ОАВнинг иштироки» мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилди.**

**Маълумки, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Буни бутун дунё жамоатчилиги эътироф этаётгани ҳам бежиз эмас, албатта. Тадбирда сўзга чиққанлар кейинги йилларда ўзини ўзи бошқариш органи бўлмиш маҳалла фаолиятининг ташкилий асослари такомиллашгани, унинг вазифалар кўлами кенгайиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ижтимоий ҳамкорлик муносабатлари шаклланганини алоҳида таъкидладилар.**

**— Маҳалла халқимизга хос бўлган ижтимоий институтлардан биридир, — деди Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш жамоат фонди директори Абдулазиз Абдуллаев. — Бу соҳага қаратилаётган эътибор кўлами йилдан-йилга кенгаяётгани айни ҳақиқат. Сўзимиз исботи сифатида жорий йилнинг 23 апрелидан «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳрирда кучга кирганини айтиш мумкин. Бугунги тадбир айнан мазкур конун ва тегишли дастурларда кўзда тутилган долзарб масалалар, ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнини ОАВда ёритиш бўйича бир катор таклиф ва тавсиялар билдирилгани билан ҳам аҳамиятлидир.**

Акбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.

### ТУРМУШ ОБОДЛИГИ МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

**Миллий матбуот марказида Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг жорий йил биринчи чорагидаги фаолияти якунларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси А.Аҳмедов ва бошқалар мамлакатимизни янада обод этиш, жамиятимизда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, оилалар фаровонлигини оширишда маҳаллаларнинг ўрни ва аҳамияти ошиб бораётганини таъкидлади.**

**Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 14 февралдаги қарорига мувофиқ қабул қилинган «Обод турмуш йили» Давлат дастурида маҳалла институти фаолиятини такомиллаштириш, маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини янада кучайтириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш борасида қатор чора-тадбирлар белгиланган. Янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фукаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар айни шу мақсадга хизмат қилади.**

**«Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан маҳаллаларни янада обод этиш, у ерда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, ёш оилаларни қўллаб-кувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**

**Хусусан, кўплаб фуқаролар йиғинлари биноси реконструкция қилиниб, замонавий компьютер жамланмаси ва мебеллар билан таъминланди. Маҳалла идоралари атрофида боғлар ташкил этилди. Ариклар ва йўл четларига дарахт ва гул кўчатлари ўтқазилди. Маҳаллалар ҳудудидаги 234 та болалар майдончаси таъмирланди. Янги майдончалар курилиб, мавжудлари ободонлаштирилди.**

**Қишлоқ жойларда маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида маҳалла фаоллари кўмагида 808 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ташкил этилди. Натижада 17 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар ва ногиронлар моддий ва маънавий қўллаб-кувватланмоқда. Йиғилишда «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, маҳалла фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини янада ошириш бўйича бажариладиган ишлар хусусида ҳам фикрлашилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.**

(ЎзА).

«Қалдирғочлар» плей-оффда. 8-саҳифада ўқинг!

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА



**НАВОИЙ.**
КОНИМЕХ ТУМАНИНИНГ АРХИВ БЎЛИМИДА ЯНГИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИ ИШ БОШЛАДИ.
ТУМАН КЕНГАШИДАГИ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ **2013** ЙИЛ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШИ МАЪЛУМОТЛАРИГА КЎРА, АЙНИ ПАЙТДА ҲУДУДДА ЖАМИ **19** ТА БПТ БЎЛИБ, УЛАР АТРОФИГА БИРЛАШГАН АЪЗОЛАР СОНИ **373** НАФАРНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.



**ФАРҒОНА.**
O`ZLIDEP ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИ МАЪЛУМОТЛАРИГА КЎРА, «ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ»НИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ПАРТИЯ САФИГА КИРИШГА ҚАРОР ҚИЛГАНЛАР СОНИ **182** НАФАРНИ ТАШКИЛ ЭТГАН ВА БУ КЎРСАТКИЧ **2012** ЙИЛНИНГ ШУ ДАВРИГА НИСБАТАН **1,5** БАРОБАР ОШГАН.

2013 ЙИЛ 2 МАЙ, ПАЙШАНБА, 17 (493)-СОН web sayt: www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

# Изчиллик фаолиятимиз асоси бўлсин

АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ ШАҲРИХОН ТУМАНИДА O`ZLIDEP ТАРАФДОРЛАРИ САФИ КЕНГАЙИБ, УНИНГ ҒОЯ ВА МАҚСАДЛАРИГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШ ТОБОРА КУЧАЙМОҚДА

**Наргиза ҚАҲҲОРОВА,**
«XXI asr»

Ирмоқлар қўшилиб, дарё ҳосил бўлганидек, ҳар қандай партия асосини қуйи бўғинлар ташкил этади. Шаҳрихонда фаолият олиб бораётган намунали бошланғич ташкилотлар ҳақида сўз борганида беихтиёр ана шу ибора ёдга тушади. «Беназир хоним» хусусий корхонаси қошидаги БПТ ҳам уларнинг бири. Мазкур ўқув марказида ҳар йили 300 нафарга яқин хотин-қиз тикувчилик, пазандачилик, компьютер саводхонлиги бўйича таълим олади. Улар тегишли касб сир-асрорларини ўрганиш билан бирга мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган янгиликларга катта қизиқиш билан ёндашмоқдалар. Бу борада корхона раҳбари, БПТ етакчиси Муяссархон Абдуфаттоеванинг хизматини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айни кунда бошланғич ташкилот ўз атрофига 20 нафар жонкуяр аъзони бирлаштирган. Шу туфайли ғоявий-сиёсий ишлар кўлами кенгайиб бормоқда.

— Корхонамиз 2009 йилда иш бошлаган, — дейди М.Абдуфаттоева. — Ўтган давр мобайнида бир қатор натижаларга эришдик. Хусусан, O`zLiDeP туман кенгаши таклифи билан корхона қошида бошланғич партия ташкилоти тузилганлиги хайрли ишларимиз учун дебоча бўлди. Келгусида ўз фаолиятимизни янада кенгайтирмоқчимиз. Зеро, «Обод турмуш йили»нинг дастурий режалари барча жамоат ташкилотлари қатори сиёсий партиялар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Шу муносабат билан яқинда «O`zLiDePнинг навбатдаги устувор вазифалари ва бу борада БПТнинг ўрни ҳамда роли» мавзуида давра суҳбати ўтказдик. Тадбирда ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, аҳолининг турли қатламлари орасига чуқурроқ кириб бориш, партия ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб қилиш масалалари юзасидан атрофлича фикр юритилиб, муҳим таклиф ҳамда мулоҳазалар ўртага ташланди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси сиёсий партиялар ва уларнинг ташкилотчилигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Амалий тажриба ҳам шундан далолат беради. «Беназир хоним» хусусий корхонаси қошидаги БПТ ва унинг фаоллари учун иккинчи даражали масаланинг ўзи йўқ. Хусусан, бандлик масаласи, хотин-қизларни тадбиркорликка йўналтириш, амалдаги қонунлар, Президент фармонлари ва қарорлари моҳиятини изчил тарғиб этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Сиёсий изчиллик корхонанинг иқтисодий ўсиши ва мустаҳкамланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатаётир.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозим. O`zLiDeP туман кенгашидаги «Аёллар қаноти»» бўлимининг тадбиркорликка оид тадбир ва ўқув-семинарларини «Беназир хоним»да ўтказиш одат тусига кирган. Жумладан, «Аёллар қаноти»нинг «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари», «Тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳалари доирасидаги назарий ва амалий тадбирлар давомида тингловчиларга бизнес-режа тузиш, уни молиялаштириш ва хусусий тадбиркорликни йўлга қўйиш юзасидан қимматли маслаҳатлар берилмоқда. Ана шундай интилиш ва изланишлар нафақат Шаҳрихонда, балки унга қўшни бўлган Асака, Бўз туманларида ҳам ишбилармонлар сафининг кенгайишига олиб келмоқда.




**O`ZLIDEP ДАСТУРИДАН**

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ҲАР ТОМОНЛАМА БИЛИМДОН, СИЁСИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ТАЙЁРГАРЛИККА, МАМЛАКАТДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ СОҲАСИДА ЯНГИ ҒОЯ ВА ТАКЛИФЛАРГА ЭГА БЎЛГАН, ПАРТИЯ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ТАДБИРКОРЛАР, ФЕРМЕРЛАР, ХУСУСИЙ СЕКТОР ВАКИЛЛАРИ ВА БОШҚА ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДАЛАШГА ҚОДИР, ОБРЎЛИ ВА ЖОНКУЯР ШАХСЛАРНИНГ ИХТИЁРИЙ РАВИШДА БИРЛАШИШИДАН ТАШКИЛ ТОПАДИ.

— «Беназир хоним» ўқув марказида таҳсил олиб, замонавий услубда парда тикиш, турли пишириқларни тайёрлаш сирларини ўргандим. Ҳозирда касаначилик йўналишидаги тадбиркорман. Қишлоғимиздаги ўн нафар тенгдошимни иш билан таъминладим, — дейди Ёқутой Ниязова. — Бу борада, албатта, устозим Машҳура Бегалиевадан олган сабоқларим қўл келмоқда.

Ободлик кўнгилдан бошланади, дейишади. Кўнгил ободлиги эса туғилиб ўсган маҳалла, қолаверса, юрт ободлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Жорий йилнинг ўтган уч ойи мобайнида «Беназир хоним» қошидаги БПТ ташаббуси ва ёрдами билан 8 нафар хотин-қиз ўз бизнесини йўлга қўйишга муваффақ бўлганлиги, 18 та янги иш ўрни яратилгани эса кенг кўламли ислоҳотлар жараёнига ирмоқ бўлиб қўшилаётган партия фаолларининг камтарона ҳиссаси туфайлидир, десак муболаға бўлмайди.

## ҲУДУДЛАРДА

### МУҚИМ ХУДДИЕВ ВАЪДА БЕРДИ



**Бухоро шаҳридаги 3-поликлиникада O`zLiDePнинг янги бошланғич ташкилоти иш бошлади. Даволаш муассасаси ходимларидан 18 нафари ушбу партия сафида туриб, унинг ғоя ва мақсадлари йўлида сидқидилдан хизмат қилиш истагини билдирдилар. Шу муносабат билан ўтказилган йиғилишда O`zLiDeP Бухоро шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутати Ж.Матниёзов сўзга чиқиб, инсон саломатлигини асраш, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, узоқ умр кўришни таъминлаш йўлида қатъият билан иш олиб бориш O`zLiDePнинг устувор вазифаларидан эканини таъкидлади.**
**Поликлиника бош шифокори, БПТ раислигига сайланган Муқим Худдиев эса ўз сўзида ғоявий-сиёсий тадбирларни изчил йўлга қўйиш, даволаш-профилактика ишларини янада яхшилашда бошланғич ташкилот аъзолари алоҳида ўрнак бўлишларига ишонч билдирди.**
**Тадбирда Дилфуза Суюнова, Наталья Асадова, Умида Хўжақулова, Дилдора Рамазонова, Шоира Алимова, Альфия Раҳимова, Феруза Фатуллаева ва бошқаларга партия аъзолик гувоҳномалари топширилди.**

Асхор ИСТАМОВ.

### МУҲИМ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

**«Миллий ўзликни англаш: огоҳликка даъват», «Баркамол авлодни шакллантиришда ўрта-махсус таълимнинг аҳамияти ва зарурати» — Наманган вилояти, Поп тумани меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими ҳамда бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмаси қошидаги бошланғич партия ташкилотлари томонидан ўтказилган семинар ана шу мавзуларга бағишланди.**
**Тадбирда асосий эътибор Юртбошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асарининг мазмун-моҳиятини кенг аҳоли, хусусан, ёшлар онгига чуқур сингдириш, уларни огоҳликка даъват этиш, ғоявий баркамолликка эришишда илм-фан ва таълим самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларга қаратилди. Таъкидланганидек, истиқлол туфайли халқимиз ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини қўлга киритиб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаганлиги, ўтган қисқа давр мобайнида оламшумул ютуқларга эришганлиги ҳар қанча таҳсинга лойиқдир. Семинар қатнашчилари Президентимиз китобида баён қилинган ғоя ва мақсадларни тарғиб этишда БПТларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ёшларни комил инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг онгини ривожлантиришда жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш масалалари хусусида фикр юритиб, бу борада муҳим таклифларни ўртага ташладилар.**

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ тайёрлади.

### ЛОЙИҲАЛАРИМИЗ: ЁШЛАР, ТАДБИРКОРЛАР ВА ҲАР БИР ОИЛАГА

**«Кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожланиши — обод турмушнинг муҳим шарти» форуми доирасида Сирдарё вилоятида «Лойиҳаларимиз: ёшлар, тадбиркорлар ва ҳар бир оилага» номли лойиҳалар тақдимоти бўлиб ўтди. Унда «Мулкдор оила — 2013», «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари», «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага», «Соғлом оила — мустаҳкам оила», «Парламентда менинг ўрним», «Агар мен депутат бўлсам...», «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба», «Ёш олимлар ва тадқиқотчилар — 2013» каби партиявий лойиҳаларни амалга ошириш механизми ва молиявий манбаларига оид зарур маълумотлар берилди.**
**— Мазкур лойиҳаларнинг амалий натижалари юртимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари сонини янада кенгайтириш имконини беради, — дейди O`zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши аппарат раҳбари Шоҳиста Бозорова. — O`zLiDePнинг партиявий лойиҳалари ёшлар, аёллар тадбиркор ва оила манфаатларига қаратилганлиги билан аҳамиятли. Бу «Обод турмуш йили» Давлат дастурини амалга оширишда O`zLiDePнинг амалий иштирокини таъминлайди.**

# Ҳамиша одамлар орасида

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ АҲОЛИСИ ЭНГ ЗИЧ ЖОЙЛАШГАН ТУМАНЛАРИДАН БИРИ — ЯНГИЙЎЛДА «ҲАР ОИЛАДА — БИР ТАДБИРКОР» АКЦИЯСИ ДОИРАСИДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ҲУДУДЛАРДА БАНДЛИК ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

**Зиёдулла МЎМИНОВ,**
«XXI asr»

Таъкидлаш жоизки, бу борада O`zLiDeP туман кенгаши ва 40 дан ортиқ бошланғич ташкилот алоҳида фаоллик кўрсатаётир. Зеро, сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш, омманинг ғоявий саводхонлигини ошириш борасида улар зиммасига катта масъулият юклатилаяпти. Шу боисдан ҳам туманда қуйи бўғинларни сон жиҳатдан эмас, балки сифат жиҳатдан мустаҳкамлашга бирламчи эътибор қаратилмоқда.

Ўтган йили «Қўшёғоч» қишлоқ фуқаролар йиғини қошида O`zLiDeP бошланғич ташкилотига асос солингач, туман кенгаши фаоллари, қишлоқ аҳолиси, хотин-қизлар, ёшлар маслаҳатни бир жойга қўйиб, белгиланган вазифалар ижроси учун астойдил киришдилар. Ўзаро ҳамкорликда Ҳаракат дастури ишлаб чиқилди. Шу тариқа бошланғич ташкилотнинг мавқеи мустаҳкамланиб, унинг сафлари янада кенгайди. Эндиликда қишлоқнинг кундалик ҳаёти, одамларнинг қувончу ташвишларини БПТ фаолиятидан айри тасаввур қилиш қийин. Дейлик, ёшлар ўртасида бандлик даражасини ошириш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун барча имкониятлардан фойдаланиш масаласини олайлик. «Устоз — шогирд» анъаналари асосида ҳунармандчилик йўналиши бўйича ўз бизнесини йўлга қўйган Мавлудахон Қулибоева, Муборак Майлибоева айни пайтда ўнга яқин қизларга ҳам ҳунар, ҳам тадбиркорлик сирларини ўргатишмоқда. Шубҳасиз, амалий ҳамкорлик кутилган натижаларни бераяпти.

— Қишлоғимиз шаҳардан бироз олисда жойлашган, — дейди БПТ раҳбари Сапура Абдувоситова. — Аҳоли асосан чорвачилик, шунингдек, шахсий ёрдамчи хўжаликларда турли хил кўкат, сабзавот экинлари парваришлаш билан шуғулланади. Яхши биламизки, ер инсонни боқади, тўйдиради, кийинтиради. Фақат ундан ўз ўрнида фойдалана билиш лозим. Қишлоғимиздаги хонадонлар ихтиёрида 10-15 сотихгача томорқа хўжаликлари мавжуд. Уларнинг соҳиблари оилавий бизнесни йўлга қўйишни хоҳлашса-да, маблағдан қийналишаётганлиги маълум бўлди. Бошланғич ташкилот номидан туман партия кенгашига мурожаат этиб, чорвачилик, паррандачилик, деҳқончилик билан шуғулланишни ихтиёр этган кишиларга тегишли бизнес-режага асосан банклардан микрокредит олишда кўмаклашишни сўрадик. Ҳозирги кунда ушбу хайрли иш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Масалан, O`zLiDeP фаолларидан бири Кароматхон Йўлдошева 8 сотихлик томорқасининг бир қаричини ҳам бўш қолдирмайди.



Энг асосийси, одамларимизнинг дунёқараши, онгу тафаккури ўзгармоқда. Бугун улар ўз камтарона меҳнатлари орқали жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ҳаракатда — барака, деганлари шу бўлса керак.

Ўтган йил якунида «Қўшёғоч»да 5 киши иштирокида бошланғич партия ташкилотига асос солинган эди. Эндиликда улар сафи 2 баробарга кўпайди. Сабаби партия Ҳаракат дастуридан келиб чиқиб, ҳамиша одамлар орасида бўлишга, турли ҳаётий муаммоларни ўз вақтида ҳал этишга, ғоявий-сиёсий ишлар мундарижасини бойитишга ҳаракат қилинмоқда. Қолаверса, фаоллар зиммасидаги юксак партиявий бурч шуни тақозо этади.

## «АЁЛЛАР ҚАНОТИ»

### «ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКДАН — МУСТАҲКАМ ОИЛАГА»

**O`zLiDeP «Аёллар қаноти»нинг «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳаси доирасида Шеробод туманида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида хотин-қизларни кичик бизнес ва жумладан, тадбиркорликка, хусусан, ҳунармандчилик ҳамда касаначилик фаолиятига кенг жалб этиш орқали оилавий бизнесни ривожлантириш, аёллар бандлигини таъминлаш каби масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Очиқ мулоқот тарзида ўтган тадбирда иштирокчиларга тадбиркорлик фаолиятига оид қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳияти кенг тушунтирилиб, ёш оналарнинг фарзанд тарбияси билан шуғулланиши учун зарур шароитлар яратиш ва оиланинг жамиятдаги ролини кучайтириш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.**



# ЖАРАЁН

Реклама ўрнида

## Битирувчилар тадбиркорликка фаол жалб этилмоқда

«АСАКА» ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ТОМОНИДАН ТОШКЕНТ ШАҲАР СЕРГЕЛИ ТУМАНИ ҲОКИМИЯТИ ВА ПРОКУРАТУРАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА «ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА КЕНГ ЖАЛБ ЭТИШГА ОИД АНЖУМАН ЎТКАЗИЛДИ

**Шахзод НАЗАРОВ,**
«XXI asr»



Унда «Асака» банк, туман ҳокимияти ва прокуратурасининг масъул ходимлари ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Маълумки, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида банк кредитлари орқали аҳоли фаровонлиги ва реал даромадларининг изчил ўсишини таъминлаш, бандлик даражасини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик, айниқса, оилавий бизнес ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган. Мазкур дастур ижросини таъминлаш борасида «Асака» банк томонидан ҳам бир қатор хайрли ишларга қўл урилмоқда. Хусусан, ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини қуриш ва уларнинг мунтазам ишлашини таъминлаш, касаначилик ҳамда хизматлар соҳасини янада кенгайтириш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш учун кредит маблағлари ажратиш, аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаяпти.

Жорий йилнинг дастлабки чорагида «Асака» банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 172,9 млрд. сўм, шу жумладан, таълим муассасалари битирувчиларига 1,2 млрд. сўм, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 1,5 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 2013 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банк томонидан жами 684 млрд. сўм, жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун 6,2 млрд. сўм, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга 6,5 млрд. сўм миқдорида сармоя йўналтириш кўзда тутилган.

Анжуман иштирокчилари банк томонидан ажратилаётган кредитлар кичик бизнесни йўлга қўйиш, айниқса, янги иш ўринлари ташкил қилишда муҳим аҳамият касб этаётганига алоҳида эътибор қаратдилар .

Тадбир сўнгида тақдим этилган лойиҳалар орасидан коллеж битирувчилари учун янги иш ўринлари ташкил этишга оид 5 таси танлаб олинди ва лойиҳа эгалари имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

— «Асака» банк томонидан берилган имтиёзли кредит эвазига тикувчилик корхонасини ташкил этиб, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга ўз ҳиссамни қўшмоқчиман, — дейди коллеж битирувчиси Зарина Муртозоева.

Мамлакатимизда Зарина сингари ташаббускор ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга иштиёқи баланд ёшлар кўпчиликни ташкил этади албатта. Ана шундай ишбилармон ёшларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келаётган «Асака» банк жамоаси бу борадаги ишлар кўламини тобора кенгайтириб бормоқда.

## Тежамкор технологиялар яхши самара бераяпти

ХОРАЗМДА ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ҲАМДА ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК ФОНДНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ КИЧИК ГРАНТЛАР ДАСТУРИ ТОМОНИДАН ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН ИККИ КУНЛИК МЕДИАТУР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI asr»





Дастлаб тадбир иштирокчилари Урганч давлат университетига ташриф буюриб, Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда тежамкор технологияларни оммалаштириш юзасидан маҳаллий олимлар томонидан амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар.

— Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ер майдони 25 миллион гектардан зиёдроқ, — дейди УрДУ ректори, биология фанлари доктори Рўзимбой Эшчанов. — Бу кўрсаткич бир қарашда кўпдек кўринса-да, аслида жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қарийб 95 фоизи суғориладиган майдонларда (4,19 млн. га) етиштирилади. Бошқача айтганда, мамлакатимиз умумий ер фондининг (44,4 млн. га) атиги 9 фоизидан интенсив ҳолда фойдаланиш мумкин, холос.

Ҳозирги глобаллашув шароитида суғориладиган майдонлар ҳосилдорлигини оширишнинг энг замонавий усулларидан бири бу, шубҳасиз, ерларни лазер нивелири ёрдамида текислашдир. Чунки суғорма деҳқончиликда дала юзасининг нақадар текислиги экинлардан юқори ҳосил олиш билан бирга сув, ўғит ва энергия манбаларини тежаш имконини беради. Шунинг учун ҳам «KRASS» Хоразм агромаслаҳат маркази ходимлари бир неча йиллардан бери фермер хўжаликларининг тажриба далаларида ерни лазер нивелири ёрдамида текислаш технологияси устида илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Айни пайтда Гурлан туманидаги «Собир Гурланли» фермер хўжалиги ва Урганч давлат университетининг ўқув хўжалигида ушбу технология муваффақиятли синовдан ўтказилганини айтиш лозим. Хоразмлик таниқли фермер Каримбой Собировнинг таъкидлашича, лазер нивелирида текисланган 80 гектар ерда суғориш суви ўртача 25 фоизга тежалиб, тупроқнинг шўрланиш даражаси сезиларли равишда камайган. Медиатур иштирокчилари ана шундай майдонларни бевосита жойига бориб кўрганларида нафақат сув, балки суғориш вақти, ишчи кучи ва энергия сарфи ҳам анча камайгани, экинларнинг эса бир текисда ўсаётганига гувоҳ бўлдилар.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, лазер нивелирида текисланган майдонларда буғдойдан ҳосилдорлик 7, пахтада эса 4 центнерга ошган. Жаҳон амалиётида ушбу усулдан катта магистраль йўллар қуриш, коллектор ва дренаж тизимларини ётқизишда ҳам кенг фойдаланилади.

— Ерларни лазерда текислаш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳаларимиз нафақат Хоразм, балки Наманган ва Қашқадарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ҳам амалга оширилмоқда, — дейди «KRASS» агромаслаҳат маркази бош мутахассиси Ойбек Эгамбердиев. — Мазкур технологияни бошқа ҳудудларда жорий этмоқчи бўлганларга ҳам кўмаклашишга тайёрмиз.

Янгиариқ туманидаги «Наврўз» каналининг энергетика ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш лойиҳаси ҳам тадбир қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Бу суғориш сувини фильтрацион йўқотишнинг олдини олиш мақсадида каналларни изоляция қилишнинг арзон усули бўлиб, унга кўра, канал туби ва четларига полиэтилен плёнка тўшалиб, устидан тупроқ тортилади.

Тадқиқот натижаларига қараганда, каналнинг полиэтилен плёнка билан ёпилган қисмида ФАК (фойдали амал коэффициенти) миқдори 0,89 га, изоляция қилинмаган қисмида эса атиги 0,5 га тенг бўлган. Янги ишланма туфайли шу каналнинг ўзидагина олти ой мобайнида 10 450 444 куб-метр сув тежалган. Меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, «Наврўз» канали жами 400 гектар ерни сув билан таъминлаши кўзда тутилган. Инновацион технология қўлланилгач, унинг суви яна 522 гектарга етиши аниқланган. Бу усул сувни тежашнинг энг арзон йўли бўлиб қолмай, у кўп энергия талаб этадиган насослардан воз кечиш имконини ҳам яратади.

— Сизларга намойиш қилмоқчи бўлган инновацион ишланмаларимиздан яна бири биогаз қурилмасидан иссиқлик ва электр энергияси олишда муқобил манба сифатида фойдаланиш лойиҳасидир, — дейди тадқиқот муаллифи Ирина Дергачева. — Бу қурилма энг арзон хом ашё, яъни чорвачилик чиқиндилари, маиший ахлат ҳамда озуқа қолдиқлари орқали ишлаши билан эътиборга молик. Бошқача айтганда, унинг амалиётда қўлланилиши чиқиндидан органик ўғит ва биогаз (асосан метан) олиш имконини яратади.

Чорвачилик чиқиндиларининг ушбу қурилма ёрдамида қайта ишланиши натижасида экологик тоза маҳсулот – органик ўғит юзага келади. Сабаби у нитрат ва нитрит, патоген микрофлора, гельминт тухумлари ва турли ҳидлардан холи бўлади. Гўнгдан олинадиган ўғит қишлоқ хўжалигида қўлланган заҳотиёқ ижобий таъсир кўрсатиб, тупроқдаги кислота даражасини пасайтиради ва ўсимликларнинг қурғоқчиликка чидамлилигини оширади.

Лойиҳанинг экологик қиммати шундаки, атмосферага газ-буғ эффектига эга метан ўрнига унинг куйиндиси — карбонат-ангидрид ва сув буғи чиқади. Самарадорлик борасидаги рақамларга эътибор қаратсак, умумий ҳажми 24 куб-метр бўлган ушбу қурилма ёрдамида ҳафтасига 5 тонна органик ўғит ва кунига 25 куб-метр биогаз олиш мумкинлиги ойдинлашади.

— Мақсадимиз маҳаллий аҳолига табиий ресурсларнинг емирилиш муаммоларини ҳал этишда мавжуд инновацион усулларни намойиш қилиш ва уларни татбиқ этишга кўмаклашишдан иборат, — дейди тадбир ташкилотчиларидан бири, Глобал экологик фонднинг Ўзбекистондаги кичик грантлар дастури миллий координатори Алексей Волков. — Чунки қанча кўп одам тежамкор технологиялар ва истиқболли тажрибалардан хабардор бўлса, еримизнинг унумдорлиги шунча яхшиланади ҳамда унда ишлайдиганлар шунча бойроқ бўлади.

22 апрель — Бутунжаҳон Ер кунига бағишлаб ўтказилган икки кунлик медиатур давомида журналистлар, шунингдек, Нил бўёғи (Индиго) ўсимлигини етиштириш, табиий бўёқ технологияси ҳамда емирилган ерларни яхшилаш, иқлим ўзгаришларига мослашиш, фитомелиорация кўмагида унумдорликни ошириш, томчилатиб суғоришнинг афзалликлари ва тупроқни ҳимоя қилиш технологияси (нолинчи ишлов бериш) бўйича ҳам мавжуд инновациялар билан яқиндан танишдилар.

РЕКЛАМА

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

**«ARSH SAVDO — ELIT» МЧЖ**

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

**Аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

**1.** Давлат-тижорат Халқ банки бошқарув комиссиясининг **2011** йил **25** декабрдаги йиғилиш баёнига асосан ДТ «Халқ банки» Андижон вилоят филиали ихтиёридаги

— Андижон вилояти, Хўжаобод тумани, Узун кўча, **5**-уйда жойлашган ДТ «Халқ банки» Хўжаобод филиали балансидаги **1999** йилда ишлаб чиқарилган «Ваз**21063**» русумли давлат белгиси **17** AF **246** бўлган автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси **1 020 000** сўм;

— Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Олтинкўл кўчаси, **3**-уйда жойлашган ДТ «Халқ банки» Андижон вилоят филиали балансидаги **1995** йилда ишлаб чиқарилган «Ваз**21061**» русумли давлат белгиси **17** AG **186** бўлган автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси **920 000** сўм;

— Андижон вилояти, Олтинкўл тумани, Алиев кўчаси, **2**-уйда жойлашган ДТ «Халқ банки» Олтинкўл туман филиали балансидаги **1990** йилда ишлаб чиқарилган «Ваз**21063**» русумли давлат белгиси **17** AG **089** бўлган автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси **930 000** сўм;

— Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Олтикўл кўчаси, **3**-уйда жойлашган ДТ «Халқ банки» Андижон вилоят филиали балансидаги **1994** йилда ишлаб чиқарилган «ДАМАС» русумли давлат белгиси **17** AF **816** бўлган автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси **2 590 000** сўм;

— Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Олтинкўл кўчаси, **3**-уйда жойлашган ДТ «Халқ банки» Андижон вилоят филиали балансидаги **1994** йилда ишлаб чиқарилган «Ваз**21074**» русумли давлат белгиси **17** AG **185** бўлган автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси **950 000** сўм;

— Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Олтинкўл кўчаси, **3**-уйда жойлашган ДТ «Халқ банки» Андижон вилоят филиали балансидаги **1991** йилда ишлаб чиқарилган «Ваз**2107**» русумли давлат белгиси **17** AE **059** бўлган автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси **680 000** сўм;

— Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Олтинкўл кўчаси, **3**-уйда жойлашган ДТ «Халқ банки» Андижон вилоят филиали балансидаги **1995** йилда ишлаб чиқарилган «Ваз**2106**» русумли давлат белгиси **60 225** ВАА бўлган автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси **920 000** сўм;

— Андижон вилояти, Андижон шаҳар, Олтикўл кўчаси, **3** уйда жойлашган ДТ «Халқ банки» Андижон вилоят филиали балансидаги **1995** йилда ишлаб чиқарилган «Ваз **210702**» русумли давлат белгиси **17** AH **708** бўлган автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси **950 000** сўм;

— Андижон вилояти, Марҳамат тумани, Мухитдинов кўчасида жойлашган ДТ «Халқ банки» Марҳамат туман филиали балансидаги **1995** йилда ишлаб чиқарилган «ТИКО» русумли давлат белгиси **17** AE **509** бўлган автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси **850 000** сўм;

**2.** Андижон вилояти, Хонобод шаҳри, Тополино кўчаси, **1**-уйда жойлашган Андижон ГЭС давлат корхонасига қарашли **1992** йилда ишлаб чиқарилган «ГАЗ **31029**» русумли давлат белгиси **60609** FAA бўлган автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси **3 480 000** (уч миллион тўрт юз саксон минг) сўм.

Аукцион савдоси **2013** йил **1** июнь куни соат **11.00** да, ушбу кунда аукцион савдоси бўлиб ўтмади, деб эътироф этилган тақдирда, такрорий аукцион савдоси **2013** йил **3,5,7,10** июнь кунлари соат **11.00** да Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, **30**-уй, **107**-хонада бўлиб ўтади.
Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан юқорида кўрсатиб ўтилган манзил бўйича, балансда сақловчи ташкилот ходимлари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг **15** фоиз миқдорида гаров пулини ТИФ «Миллий банк» Андижон шаҳар бўлимининг **20208000904456131001** ҳисоб рақамига МФО: **00074**, ИНН: **205987298** тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш эълон чоп этилган кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) ва аукцион савдоси ўтказилишидан **1** (бир) соат олдин, **10.00** га қадар Андижон шаҳри, А.Навоий кўчаси, **30**-уй, **107**-хонада қабул қилинади.
Аукцион савдосида қатнашиш учун жисмоний шахслар паспорт нусхаси, юридик шахслар жамият Низоми ва таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, белгиланган тартибда берилган ишончнома тақдим қилиши лозим.

**Қўшимча маълумот учун манзил ва телефон:**
**«ARSH SAVDO-ELIT» МЧЖ Андижон шаҳар, А.Навоий шоҳ кўчаси, 30-уй, 107-хона**
**Тел: (+99891) 606 -88-81, (+99890) 269-88-81,**
Хизматлар лицензияланган. Гувохнома №00126.

ҚАРОР ВА ИЖРО

## ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

**Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида «Ишлаб чиқариш корхоналарининг долзарб муаммоларини ечишда инновацион технологияларнинг ўрни» мавзусида илмий анжуман ўтказилди. Мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, илмий-тадқиқот институтлари тадқиқотчилари ва талабалар иштирок этган мазкур анжуманда мутахассисларнинг ноорганик, юқори молекуляр ва органик моддаларнинг кимёвий технологияси, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда нефть ва газни қайта ишлаш саноати корхоналарининг долзарб муаммоларини ечишда инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти мавзуларидаги маърузалари тингланди.**
**– Президентимизнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида ишлаб чиқариш корхоналарининг муаммоларини ечишда инновацион технологияларни жорий этиш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш корхоналари ҳамкорлигини янада кучайтириш устувор вазифалар сифатида белгиланган, – дейди Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг илмий ишлар бўйича проректори Ғ.Узоқов. – Мазкур қарор ижроси доирасида ташкил этилган ушбу анжуман фан, таълим ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, илм-фаннинг илғор янгиликларини иқтисодиётимизнинг турли соҳаларига самарали татбиқ қилишда муҳим аҳамият касб этади.**

Ф.ХОЛМИРЗАЕВ, ЎзА мухбири.

ЭЪЛОН

**«XXI ASR»ГА ОБУНА БЎЛГАН ТАДБИРКОР ВА ФЕРМЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

«XXI asr» газетасининг
**«ТАДБИРКОР ВА ФЕРМЕРЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ»**
акцияси доирасида газетага обуна бўлганлар эълон ва рекламаларини бепул чоп эттиришлари мумкинлигини яна бир бор эслатиб ўтамиз.
**Хурматли тадбиркор ва фермерлар!**
Агар сизга газета ўз вақтида етказиб берилмаётган бўлса, таҳририятга мурожаат қилинг.

**Манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Нукус кўчаси, 73-а уй.**
**Мурожаат учун телефон: (8371) 215-60-45, 255-45-07, 281-40-17.**

# Эгасиз қўл

**АХБОРОТ АСРИ, ДЕЯ ТАЪРИФЛАНАЁТГАН XXI АСРДА ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИНИНГ ҚУЛАЙЛИКЛАРИ, АХБОРОТ ТАРҚАТИШДАГИ КЎЛАМИ ВА ТЕЗКОРЛИГИНИ БОШҚА БИРОН ТИЗИМГА ҚИЁСЛАБ БЎЛМАСЛИГИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА**

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI asr»



Ҳақиқатан ҳам, мазкур тизим бугунга келиб ўргимчак тўридек жаҳон ахборот маконини ўраб олди. Ҳа, у тезкор, қулай ва тежамлилик асосига қурилган. Аммо танганинг иккинчи томони ҳам бўлганидек, ана шу қулайлик айни пайтда кутилмаган «ноқулайликлар»ни ҳам келтириб чиқараётгани, айниқса, ёш авлод онгини ўғирлаш, унга турли ёт ғояларни сингдириш учун хизмат қилаётганини тан олмаслик мумкин эмас. Бу тизим айни пайтда турли жиноятларга ҳам кенг йўл очмоқда.

XXI асрга келиб мўъжазгина кулбадан туриб дунёга таҳдид солиш, инсоният тақдирини ўзгартириш мумкин эканини ҳам ана шу тизим «қулайлик»лари намойиш этмоқда. Оқибатда жаҳон иқтисодиётига ҳар йили 300 миллиард АҚШ долларидан кўп зарар етказилаяпти.

Таъкидлаш жоиз, интернет орқали уюштирилаётган бундай киберҳужумлардан асосан ана шу тизимдан фойдаланадиган мамлакатлар кўпроқ азият чекмоқдалар. Маълумки, 245 миллион интернет абоненти бўлган АҚШ айни пайтда дунёда ушбу тармоқдан фойдаланиш бўйича етакчилик қилиб келаётир. Ундан кейинги ўринларни эса Европа давлатлари эгалламоқда. Айниқса, «кўҳна қитъа»нинг айрим мамлакатлари, хусусан, Италияда 43,5 фоиз, АҚШда — 38,8, Буюк Британияда — 36,8, Францияда — 36,3, Германияда эса 28,8 фоиз интернетдан фойдаланувчилар бўлиб, айнан ана шу давлатлар киберҳужум, дея аталган балодан кўпроқ азият чекаяпти. Европолнинг «The EU Serious and Organized Crime Threat Assessment (SOCTA) 2013» деб номланган ҳисоботида қайд этилишича, Евроиттифоқ ҳудудида интернет орқали киберҳужум уюштириб, иқтисодий барқарорликни издан чиқаришга уринган 3600 та жиноий гуруҳ зарарсизлантирилган бўлса-да, уларнинг таг-томирини батамом йўқ қилишнинг имкони топилмаяпти. Ўз касбининг «усталари» томонидан амалга оширилаётган бундай жиноятлар туфайли Евроҳудуддаги мамлакатлар йилига 100 миллиард евро миқдорида зарар кўраётгани таъкидланаётир. Юқорида қайд этилганидек, бу ҳудудлардаги аҳолининг аксарияти интернетни нафақат ахборот манбаи, балки коммуникациянинг содда усули, яъни савдо-сотиқ, тўловларни амалга ошириш йўли, деб ҳам қабул қилганларки, бу мазкур жиноятнинг чуқур илдиз отишида асосий омил бўлмоқда. Маълумки, ғарб аҳолисининг аксарияти ўз жамғармаларини банкларда сақлашади. Банк операцияларини амалга оширишда эса онлайн банкинг ёки мобил-банкинг тизимидан фойдаланилади. Киберjиноячилар эса айнан ана шу нуқталарга кўпроқ зарба бермоқдалар.

Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда глобал муаммолар қаторида тилга олинаётган виртуал ҳужум, яъни киберjиноятчилик вирусли дастурларни тарқатиш, паролларни бузиб кириш, кредит карта ва бошқа банк реквизитларидаги маблағларни талон-торож қилиш, шунингдек, интернет орқали қонунга зид ахборотлар, хусусан, бўҳтон, порнографик маълумотларни тарқатиш билан башариятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига кескин хавф солаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларида ҳам ҳар йили дунёда 2 миллионга яқин кишининг шахсий маълумотлари хакерлар томонидан ўғирланаётгани ва бу фирибгарлик 1 миллиард АҚШ доллари миқдорида молиявий зарар билан якун топаётгани эътироф этилмоқда.

Бундан ҳам ёмони мазкур таҳдид ўзидан жиноий из қолдирмаслиги билан ўта хавфли тус олаётгани халқаро экспертларни хавотирга солаётир. Шу боис дунё ҳамжамияти, аниқроғи, ҳар бир мамлакат, аввало, интернет тизимига жуда мустаҳкам ҳимоя тизими ўрнатиб, ушбу хавфдан холи бўлишга интилмоқда. Аммо, афсуски, бундай ҳимояланишнинг ягона тизими ҳозирча мавжуд эмас. Шу боис глобал миқёсда мазкур жиноятнинг қамрови соат сайин кенгайиб бормоқда. Компьютер хавфсизлиги дастурлари ишлаб чиқарувчи «Symantec» компанияси маълумотларига қараганда, бир кеча-кундузда сайёрамизда хакерлар томонидан 100 га яқин киберҳужумлар содир этилмоқда. Оқибатда, айниқса, йирик компания ва ташкилотларнинг иқтисодий мавқеига жиддий путур етаяпти. Етакчи иқтисодчиларнинг фикрича, ана шундай кутилмаган ҳужумлар туфайли етказилган зарарни қоплаш учун жаҳон миқёсида 1 триллион АҚШ долларига тенг маблағ сарфланаётир. Бугун ҳатто яхши ҳимояланган халқаро ташкилотлар ҳам компьютер жосуслигидан хавотирга тушаётгани бежиз эмас. Махфий маълумотларнинг ошкор этилиши натижасида компанияларнинг катта миқдорда зарар кўриши мумкинлиги шу маънода барчани бирдек хавотирга солаётир. Мисол учун, бундан икки йил муқаддам хакерлар йирик «Nasdaq» биржасининг ёпиқ интернет сервисини бузиб, алмашиладиган ички ишончли маълумотлардан бир қисмини қўлга киритишга муваффақ бўлганлари кўпчиликнинг ёдида бўлса керак. Дунёдаги энг йирик компанияларга қаратилаётган бундай жосусликлар туфайли жорий йилдагина 40 та йирик компания хакерлар ҳужумидан зарар кўрган. Улар қаторида машҳур «Apple» компанияси ва энг катта ижтимоий тармоқлар, дея тан олинган «Facebook» ва «Twitter», шунингдек, «The New York Times», «Wall Street Journal», «Associated Press» каби нашрлар борлиги жиноятнинг мазкур тури ҳар қандай мустаҳкам тўсиқни ҳам осон забт этишидан далолат бераяпти. Reuters ахборот агентлиги маълумотига кўра, бундан икки ой муқаддам «Apple» ходимлари компьютер дастури вируси, аниқроғи, мураккаб троян вируси кўринишидаги киберҳужумга дуч келишган. Компания вакилларининг сўзларига қараганда, бундай вирус компьютерга жиддий зарар етказади ва бузғунчининг унга кириши учун имконият туғдиради. «The New York Times» мутасаддилари эса ҳозирданоқ мазкур киберҳужумлар ортида маълум бир давлатлар манфаати борлигини таъкидлай бошладилар. Бу қанчалик ҳақиқатга яқинлиги ҳозирча номаълум, албатта.

Шу ўринда мазкур жиноятларни қойилмақом тарзда бажараётган хакерлар раҳм-шафқат туйғусини унутиб қўйган шахслар эканини ҳам унутмаслик керак. Аслида ахборот технологиялари соҳасини пухта эгаллаган «малакали» касб эгалари ўз билим ва салоҳиятини ёвуз мақсадлар йўлида ишлатаётганини ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди. Шу ўринда ўтган асрнинг 80-йиллари кибер ўғрилар учун энг қулай давр бўлганини таъкидлаш жоиз. Чунки айнан шу пайтларда компьютер операцион тизимлари қайтадан ишлаб чиқилаётган эди. Яъни операцион тизимларнинг жуда кўп заифлик томонлари борлиги кибер ўғриларга қулайлик туғдирган. Ўрни келганда интернетдаги илк жиноят ҳам айнан шу йилларда, аниқроғи, бундан 30 йил аввал содир этилганини таъкидлаш жоиз. У пайтда глобал тармоқ ARPANET деб юритилар эди. Ўшанда машҳур хакер Кевин Митник Пентагоннинг асосий компьютеридаги маълумотларни ўғирлагани учун 17 йилга озодликдан маҳрум этилган.

Айни пайтда киберjиноятчилик ортидан келаётган молиявий зиён миқдори ҳам йил сайин ортиб бораётир. Масалан, бугунги кунга келиб виртуал жиноят туфайли Россия 2 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар кўрган. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Бундай жосусликлар оқибатида 30 миллиондан ортиқ инсоннинг жабрланганини мазкур масаланинг қанчалар долзарб эканини кўрсатиши мумкин. Россияда киберjиноятчиликнинг ярмидан кўпини интернет фирибгарлиги, турли бўҳтон ва хавфли вируслар йўллаш ташкил этаётгани айтилмоқда. Океан ортидаги бир қатор мамлакатлар, жумладан, АҚШ ҳам хакерлардан катта миқдорда зарар кўраётган минтақалардан биридир. Таҳлилчиларнинг қайд этишича, глобал тармоқ, яъни интернет пайдо бўлганидан бери хакерлар ҳужуми оқибатида Америка Қўшма Штатлари 400 миллиард доллар миқдорида маблағ йўқотган. Айни пайтда эса мамлакат ҳукумати долзарб муаммога қарши курашиш учун жуда жиддий чоралар кўрмоқда. Миллий хавфсизлик департаменти котиби Жанет Наполитанонинг фикрича, киберjиноятчиликнинг йиллик айланмаси 388 миллиард долларга етган. Бу наркобизнесдан кўриладиган фойда миқдоридан ҳам юқоридир. Демак, бу XXI асрда инсоният қандай хавфли таҳдид билан рўпара келганини кўрсатаяпти.

Ҳа, албатта, интернет тармоғи орқали салбий информацион таъсир ўтказиш каби илгари кузатилмаган виртуал хавф-хатарлар авж олаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу хатар бепарволик ва лоқайдликни асло кечирмаслигига ҳам гувоҳ бўлаётган дунё аҳли унга қарши курашишнинг ижтимоий-иқтисодий йўлларини янада кучайтириш устида бош қотирмоқда. Бу борада халқаро миқёсида турли битим ва келишувлар ҳам имзоланаяпти. Хусусан, 2001 йилги Будапешт конвенцияси ҳам айнан ана шу мақсадда тузилган эди. Ўз атрофига 40 га яқин давлатни бирлаштирган мазкур тузилма глобал муаммога қарши халқаро қонунчиликни такомиллаштириш ва ягона интернет хавфсизлиги маконини яратиш бўйича фаолият олиб боради. Аммо виртуал жиноятчилик ҳозирча бундай қонунларга итоат этмаяпти.

Шу ўринда жорий йилнинг январь ойида Гаагада киберjиноятчиликка қарши кураш бўйича Европа маркази очилганини ҳам таъкидлаш жоиз. Янги ташкилотнинг мақсади ҳам мазкур муаммо юзасидан халқаро ва минтақавий даражада тергов олиб бориш, асосан молия муассасалари ва уларнинг мижозларига зарар етказиш билан боғлиқ уюшган он-лайн фирибгарлик, болалар порнографиясини тарқатиш, энг муҳим инфратузилмалар ва ахборот тизимларига киберҳужумлар уюштириш каби жиноятларни бартараф этишга қаратилган.

Гарчи дунё мамлакатлари ушбу муаммони ўзларича ечишга уринаётган бўлсаларда, бундай ҳаракатлари ҳозирча кутилган натижани бермаяпти. Хулоса ўрнида интернетнинг глобал хусусиятини эътиборга олиб, мазкур муаммонинг олдини олишда халқаро ҳамкорлик ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини таъкидламоқ лозим.

## ВОҚЕАЛАР, ДАЛИЛЛАР, ШАРҲЛАР

### НАКАО ОТБНИНГ ЯНГИ РАҲБАРИ



**Такехико Накао Осиё тараққиёт банки президенти этиб сайланди. Бундан аввал Япония молия вазирининг халқаро масалалар бўйича ўринбосари лавозимида ишлаган Накао 2016 йилнинг ноябрига қадар ушбу банкнинг аввалги раҳбари Куроданинг ишини давом эттиради. Маълумотларга қараганда, 30 йиллик иш фаолияти давомида Такехико Накао Япония молия тизимида турли лавозимларда фаолият юритган.**

### «APPLE» РАҚОБАТГА ДОШ БЕРА ОЛМАЯПТИ



**Хабарларга қараганда, АҚШнинг машҳур «Apple» корпорацияси даромади 18 фоизга тушиб кетган. Бундай ҳолат компания тарихида охирги марта 10 йил илгари кузатилган эди. Мутахассислар мазкур вазиятни мобиль телефонлар ва планшет компьютерлар бозорида вужудга келган кескин рақобат шароитида компаниянинг янги ва истиқболли моделлари йўқлиги билан изоҳламоқдалар.**

### ИШСИЗЛАР СОНИ 51 МИНГ НАФАР



**Италияда ишсизлик миқдори 11,5 фоизга етгани маълум қилинмоқда. Боиси жорий йилнинг февраль-март ойларида мамлакатда яна 51 минг иш ўрни қисқарган. Айни пайтда умумий ишсизлар сони 3 млн. га яқинлашган. Уларнинг кўпчилигини 14-25 ёшдагилар ташкил этаяпти. Мамлакат бош вазири Энрико Летта ҳукумат биринчи навбатда ишсиз юрган ёшлар ва хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаган.**

### БЕЗГАК БАЛОСИ

**Парагвайда денге безгаги туфайли 48 киши ҳаётдан кўз юмган. Сўнгги пайтларда ушбу касалликдан аҳоли қаттиқ азият чекмоқда. Мамлакат соғлиқни сақлаш вазири Антонио Арбонинг таъкидлашича, хавфли касалликка чалинган 80 мингга яқин бемор рўйхатга олинган. Яна 100 мингдан зиёд кишиларда хасталик аломатлари аниқланган. Ушбу эпидемияни тарқатувчи чивинларга қирғин келтирмасдан туриб касалликка қарши курашиш бефойда эканлиги айтилмоқда.**

### ХАЛҚАРО «ФАСТ-ФУД» ФЕСТИВАЛИ



**Хабарларга қараганда, жорий йилнинг май ойида Сингапурда илк бор халқаро «фаст-фуд» фестивали бўлиб ўтади. Деярли бир ҳафта давом этадиган мазкур тадбирда 40 дан ортиқ ошпаз 16 та соврин учун беллашади. Сингапур сайёҳлик уюшмаси раҳбари Лионель Йео мазкур фестиваль бир зумда тайёр бўладиган таомлар маскани бўлган «фаст-фуд»ларни янада оммалаштиришга хизмат қилишини таъкидлаган.**


## РЕКЛАМА

**РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ ВАЗИРЛИК, ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИ, ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**«ШАРҚ ИМП ЭКС»**
туристик компанияси Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива шаҳарлари бўйлаб барча қулайликлар асосида саёҳатлар уюштиришини маълум қилади.

**НАРХЛАР КЕЛИШИЛГАН ҲОЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.**

**Маълумот учун телефонлар:**
**(+99898) 273-02-95, (+99895) 507-04-60**

Хизматлар лицензияланган!



## РЕКЛАМА

**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ УЮШМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИҲА ҒОЯЛАРИ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «**2011-2015** йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги **2010** йил **26** ноябрдаги ПҚ-**1438** ва «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги **2011** йил **7** февралдаги ПҚ-**1474**-сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларидаги иштирокини рағбатлантириш орқали улар учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон банклари уюшмаси ҳузурида инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш Фонди ташкил этилди.

***Фонд томонидан лойиха ғоялари ва уларнинг лойиха хужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади хамда республика тижорат банклари томонидан молиялаштирилишига кўмаклашилади.***

Танлов қуйидаги йўналишларда ўтказилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестицион жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хомашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ғоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ғоялари ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**
Ариза (намуна бўйича);
Инвестиция таклифи (намуна бўйича);
Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

**Батафсил маълумот учун:**
Тел: +(998 71) 238-69-07, +(998 71) 238-69-08;
Web-sayt: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com

**Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Асадулла Хўжаев кўчаси, 1-уй. Ўзбекистон банклари уюшмаси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.**

# СЎНГГИ САҲИФА

### ТАБИАТ



## ЭНГ КЕКСА ДАРАХТ

**Маълумотларга кўра, Ер юзидаги энг кекса дарахт айни пайтда Калифорния штати (АҚШ) ҳудудида жойлашган Ancient Britlecone Pine Forest миллий боғида ўсмокда.**

**Қарағайсимонларнинг Pinus Longaeva турига мансуб бу дарахтга бир пайтлар туб аҳоли томонидан Мафусаил, деган ном берилган бўлиб, олимларнинг фикрича, унинг ёши 4840 дан (ниҳол тупрокка милоддан аввал тахминан 2830 йилларда кадалган) ошган.**

**Аҳамиятлиси, XX асрнинг биринчи ярмига кадар сайёрамизнинг энг катта ёшли дарахтлари сифатида айнан Калифорнияда ўсувчи, эни 8, бўйи эса 100 метрга етадиган 3500 йиллик секвойялар тилга олинган. Бироқ 1957 йилда миллий боғнинг «Оқ тоғ» деб номланган ҳудудидаги қарағайларни тадқиқ этган америкалик олим Эдмунд Шульман нисбатан паст бўйли қарағайлар сеаквойялардан камида 1000 ёш катталигини аниқлаган.**

**Шу ўринда олимлар мазкур дарахт ҳалқалари ёрдамида қадимда, айтайлик, Миср эҳромлари барпо этилаётган даврда Ер юзида ҳукм сурган иқлим ҳақида маълумот тўплашни режалаштиришаётгани, ўз навбатида Мафусаилнинг жойлашган жойи хавфсизлик нуктаи назаридан сир тутилаётганини айтиш жоиз. Зеро, 1964 йилда ундан ҳам кексароқ (тахминан 5000 ёшни қоралаб қўйган) Прометей, деб номланган ноёб қарағай номаълум сабабларга кўра кесиб ташланган экан.**

# «Қалдирғочлар» плей-оффда

ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ ГУРУҲ БОСҚИЧИНИНГ СЎНГГИ ТУРИДА ЖАНУБИЙ КОРЕЯНИНГ «ПОХАНГ СТИЛЕРС» ЖАМОАСИ БИЛАН 1:1 ҲИСОБИДА ДУРАНГ ЎЙНАГАН «БУНЁДКОР» МУСОБАҚАНИНГ НИМЧОРАК ФИНАЛИГА ЙЎЛ ОЛДИ

**Шухрат ХЎЖАЕВ,**
«XXI ASR»




Эслатиб ўтиш жоиз: жорий йилнинг мартида Тошкентда ўзаро беллашган ана шу икки клуб иштирокидаги ўйинда ҳам муроса йўли (2:2) танлангandи. Умуман олганда, гуруҳнинг барча ўйинларини самарали ўтказган «қалдирғочлар» Поҳангдаги учрашувда қайд этиладиган дуранг ҳам уларни плей-офф босқичига олиб чиқишини олдиндан билганлари боис сафардаги ўйинни эҳтиёткорлик билан бошлаб, асосий эътиборни ҳимояга қаратишга ҳаракат қилдилар. Ғалабадан бошқа натижа билан гуруҳда қолиб кетишларини билган мезбонлар эса имкон топилди, дегунча тошкентликлар жарима майдончаси сари «юриш»ларни амалга оширдилар. Ўз навбатида, бутун ўйин давомида рақибларнинг ўнлаб зарбаларини қайтаришга эришган «Бунёдкор» посбони Игнатий Нестеров шу куни жуда яхши формада эканини намойиш эта олди.

Бўлим ўрталаридан Миржалол Қосимов шогирдлари ҳам айнан мураббий кўрсатмаларига таянган ҳолда рақиб жарима майдончаси томон «рейд»лар уюштира бошладилар. Бироқ бир қатор вазиятларда Олександр Пишчур, Игорь Таран, Лутфулла Тўраев ҳамда Дилшод Жўраев каби футболчиларимизнинг зарбаларига аниқлик етишмади.

Иккинчи бўлимнинг дастлабки дақиқаларидан «Поханг Стилерс» аъзолари бутун жамоа бўлиб ҳужумга отландилар. Аммо ҳимоячиларнинг тартибли ўйинлари дарвозамиз дахлсизлиги сақланиб қолишини таъминлади. 77-дақиқада М.Қосимов Игорь Таран ўрнига майдонга Алибобо Раҳматуллаевни туширди. Кўп ўтмай, айнан ана шу футболчининг саъй-ҳаракати билан «қалдирғочлар» ҳисобни очишга муваффақ бўлдилар. Ўнг қанот орқали юқори тезликда ҳаракатланган Алибобо тўпни жарима майдончасига етиб келган жамоадошларига узатди. Йўл-йўлакай Д.Жўраевнинг ёнидан ўтиб кетган тўп ҳимоячиларни «чалғитган» ҳолда дарвозага яқин жойда турган Пишчурнинг оёқ остида пайдо бўлди. Украиналик легионер эса бу галги имкониятдан унумли фойдаланди.

Ўйиннинг охирги дақиқаларида бироз хотиржамликка берилган футболчиларимиз ўз дарвозаларидан тўп ўтказиб юборган бўлсаларда, гуруҳ пешқадами сифатида кейинги босқичга йўл олдилар. Зеро, Жанубий Кореядаги учрашув билан бир хил вақтда ўтказилган «Санфречче Хиросима» (Япония)- «Бейжинг Гуан» (Хитой) баҳсида ҳисоб очилмади. Кейинги босқичнинг иккинчи йўлланмаси эса хитойликларга насиб этди.

**Осиё Чемпионлар лигаси. «G» гуруҳи**

| | Ў | Ғ | Д | М | Т-н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1. Бунёдкор** | **6** | **2** | **4** | **0** | **6-3** | **10** |
| **2. Бейжинг Гуан** | **6** | **2** | **3** | **1** | **4-2** | **9** |
| 3. Поханг Стилерс | 6 | 1 | 4 | 1 | 5-6 | 7 |
| 4. Санфречче Хиросима | 6 | 0 | 3 | 3 | 2-6 | 3 |

— Агар бугун ғалаба учун эмас, балки дуранг учун ўйнаганимизда ютқазиб қўйишимиз ҳам мумкин эди. Менимча, инсон хоҳ спортда, хоҳ ҳаётда бўлсин, доимо максимал натижани кўзлаб иш тутиши керак. Хусусан, бугунги ўйинда уч очко илинжида ўйнаганимиз учун якунда бир очкога эга бўлдик, — деди учрашувдан сўнг «Бунёдкор» бош мураббийи М.Қосимов.

— Гуруҳ босқичидаёқ кучли жамоалар билан ўйнаб, ўзимизни ҳам синаб олдик. Ўз навбатида, «Шарқ» минтақасида тўп сурганимиз учун толиқишларга сабаб бўлувчи парвозларни амалга оширганимизни ҳам айтиб ўтиш лозим. Шунга қарамасдан, олдимизга қўйилган минимум вазифани бажара олдик, — дейди О.Пишчур. — Қувонарлиси, кейинги босқичга биринчи ўрин соҳиби сифатида чиқдик. Бу эса бизга бироз устунлик беради.

Хулоса ўрнида 6 та ўйинда 10 очко тўплаган ҳолда мусобақани давом эттириш имкониятини қўлга киритган «Бунёдкор» Осиё Чемпионлар лигасининг янги рекордини ўрнатганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, клуб расмий сайтидан олинган маълумотларга кўра, жорий мавсумни ҳам қўшиб ҳисоблаганда Осиё Чемпионлар лигасида кетма-кет олтинчи марта иштирок этаётган «қалдирғочлар» олтинчи йилдирки, гуруҳ босқичини муваффақиятли якунлаб, плей-офф йўлланмасини қўлга киритмоқдалар ва қитъанинг ҳозирча бундай натижага эришган ягона жамоаси бўлиб турибдилар.

Умид қиламизки, бу гал спортчиларимиз мусобақанинг финалигача етиб бориб, ҳал қилувчи учрашувда ғалаба қозонган ҳолда ўзбек футболи тарихида янги саҳифа очиш учун бор куч-ғайратларини ишга соладилар.




Гидрометеорология марказидан олинган маълумотларга кўра, **2-9** май кунлари Ўзбекистонда об-ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Фақат тоғли ҳудудларда вақти-вақти билан ёмғир ёғиши мумкин. Шамол шарқдан **7-12** м/с тезликда эсиб, баъзи жойларда **3-4** май кунлари **15-20** м/с гача кучаяди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳарорат кечаси **3-4** май кунлари **10-15**, **5-6** майда **7-12** даража, кундузи **20-25** даража илиқ бўлади. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳарорат кечаси **8-13**, кундузи **22-27** даражадан **25-30** даражагача кўтарилади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси **10-15**, кундузи **25-30** даража илиқ бўлиши кутилмоқда. Республикамизнинг Шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида термометр кўрсаткичлари кечаси **8-13**, кундузи **21-26** даража илиқ бўлишини кўрсатмоқда. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда ўзгарувчан об-ҳаво кузатилса-да, ёмғир ёғмайди. Ҳарорат кечаси **8-13**, кундузи **22-27** даража илиқ бўлади. Тоғли ҳудудларда ҳаво ўзгариб туриб, вақти-вақти билан ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат кечаси **3-4** май кунлари **2-7** даража илиқ, **5-6** майда **1** даража совуқ-**4** даража илиқ, кундузи **12-17** даража илиқдан **4-9** даражагача ўзгариб туриши кутилмоқда.

### БУ — ҚИЗИҚ

## ЎЙИН ЎЙНАШ ЖИНОЯТМИ?

**2002 йилда Греция ҳукумати томонидан компьютер ва видео ўйинларни тақиқловчи 3037-сонли қонун қабул қилинганини биласизми? Ажабланарлиси, ушбу тақиқ барча электрон ўйинларга нисбатан қўлланган бўлиб, қонунга мувофиқ ҳатто телефонга ўйин юклаб, ҳордиқ чиқармоқчи бўлганлар, энг қизиғи, ўз уйидаги шахсий компьютерда «футбол» ёки «карта» ўйнаганлар ҳам таъқиб қилинган.**

**Қонунни биринчи марта бузганларга нисбатан 1 ойдан 12 ойгача қамоқ ёки камида 5000 евро миқдорида жарима тўлаш каби жазолар белгиланган бўлса, ушбу ишга такроран қўл урганлар 75 000 евролик жаримага тортилганлар.**

**Таъкидлаш жоиз: бир неча йилдан сўнг Европа Иттифоқининг аралашуви билан грецияликларнинг бу борада поймол этилаётган конституциявий ҳуқуқлари тикланган. Аниқроғи, айни пайтда қонунда белгиланган талаблар фақат пул тикиладиган ўйинларга нисбатан, у ҳам бўлса, шунчаки расмиятчилик учун қўлланилмоқда.**

## ЛОЛА ВАТАНИ — ЎРТА ОСИЁ ЭКАН

**Ўзига хос гўзаллиги билан сон-саноқсиз қалбларни мафтун этган лола ўсимлиги бутун дунёга кўпчилик ўйлаганидек Голландиядан эмас, балки Ўрта Осиё, аниқроғи, Тянь-Шань тоғ тизмаси ён бағридаги қир-адирлар ва тошлоқ даштлардан тарқалганини кўпчилик яхши билмаса керак.**

**Маълумотларга кўра, қадимги форслар, кейинчалик эса туркий қабилалар ёввойи ҳолда ўсувчи лолаларнинг маданийлаштирилишига, ўз навбатида, гулларнинг Эрон ва Кичик Осиё ярим ороли бўйлаб тарқалишига сабабчи бўлишган.**

**XV-XVI асрларда Византия пойтахти — Константинополь (ҳозирги Истанбул) боғларида вужудга келган қизил ва сариқ рангдаги улкан «гиламлар» кўп ўтмай, венециялик савдогарлар саъй-ҳаракати билан Австрия, Германия, Франциянинг бой хонадонлари ҳовлиларини ҳам безай бошлаган.**

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни қойиллатган голландияликларнинг лола кўчатларини кўпайтириб, катта даромад олиш ғояси эса XVII аср бошларида пайдо бўлган. Эътиборлиси, лола гуллари ва пиёзчаларининг савдоси шу даражада ривожланиб кетганки, улар алоҳида белгиланган нархларда биржалар орқали сотилган. Айнан ўша даврда Голландия «лолалар юрти» сифатида эътироф этила бошланган.**

### РЕКЛАМА










XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
O'zLiDeP
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шуҳрат НОРГИТОВ, Шуҳрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.
ТАҲРИРИЯТ: Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Носир ТОШЕВ, Ориф ЎЛМАСОВ, Янгибой ҚЎЧҚОРОВ.
БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ.
БЎЛИМЛАР: Котибият — 28'-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI ASR@yahoo.com, XXI ASR@mail.ru
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
Буюртма рақами: J 7031. Тираж: 22068
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 20:00
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
ISSN 2181-497X
Навбатчилар: Н.ТОШЕВ, Ж.ЖЎРАЕВ.